

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

Турамуратова Озода Абдусаттаровна

**Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда
инновацион технологиялар.**

5А 110901 “Педагогика” таълим йўналиши бўйича магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори,
профессор: Б.Адизов

Термиз – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш

I.БОБ. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишнинг илмий-педагогик асослари.

1. Бошланғич таълим самарадорлигини таъминловчи омиллар.
2. Педагогик фаолиятни технологиялаштириш – ижтимоий зарурат.
3. Бошланғич таълим ўқиш дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати.

I-Бобга хулоса

II.БОБ. Бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг шакл ва усуллари.

1. Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини таъминловчи “Кластер”, “Б,Б,Б” усулларида фойдаланиш.

2. Синфдан ташқари ўқишда педагогик технологияларни қўллаш шакллари.

II-Бобга хулоса

III.БОБ. Бошланғич синф ўқиш дарсларида таълим самарадорлигини оширувчи педагогик технологияларни қўллаш борасида олиб борилган тажриба-синов ишлари таҳлили.

1. Таклиф этилаётган педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш ва ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари.

2. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари.

III-Бобга хулоса

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши мутахассислар тайёрлаш тизими ва унинг мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва бир қатор чора-тадбирлар кўришни, шу жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этиш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, ўқув-тарбиявий жараёни, илғор ўқув юртлирини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассаларини ташкил этиш ҳамда энг асосийси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишни тақозо этди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг яратилиши Ўзбекистоннинг халқаро талаблардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил, ижодий тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айна пайтда шахсий инсоний сифатлари шаклланган баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касбга ўргатиш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топтиришдан иборатдир. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу омил таълим жараёнини таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини талаб этади. Ана шу ташкилий-педагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кузатилмоқда.

Ушбу ўзгаришларнинг маълум қисми мавжуд дидактик ёндашувларнинг таркиби сифатида чиққан бўлса, яна бир қисми дунёдаги таълим тизими

ривожланган мамлакатлар олимларининг педагогик тажрибаларига суянган ҳолда пайдо бўлади. Инновацион педагогик технологияларнинг мамлакатимиз таълим соҳасига кириб келиши алоҳида эътибор қаратадиган йўналишлардан бири эканлигини қайд этиш зарур.

Ўқув – тарбия жараёнида инновацион технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса ўқувчидан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув –тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлиқ. Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нутқай назарларини асослашга имконият яратади. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ўқувчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида инновацион педагогик технологияларни таркиб топтириш муаммосининг ижобий ҳал этилиши – ушбу муассасаларда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг инновацион педагогик технологиялар ва уларнинг моҳияти борасида маълумотларга қанчалик эгаллиги, назарий билимларни амалиётда қўллаш олиш лаёқатининг шаклланганлиги, шунингдек, мазкур ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини технологиялаштирилишига нисбатан эътиборнинг қаратилаётганлигига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, таъкидловчи тажриба жараёнида тажриба-синов майдони сифатида белгиланган мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида махсус сўров ташкил этилди.

Инновацион педагогик технологиялар таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга қафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини

берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси ҳисобланди. Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда ҳар бир йўналишга доир ўтиладиган мавзуга кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқилди. Ушбу иш таркибига лойиҳага қўшимча мавзуга дахлдор бўлган барча ахборотлар, компьютер сайти, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланиш методикаси киритилди. Инновацион педагогик технология ўз тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: машғулот тури, унга ажратилган вақт, асосий кўриладиган саволлар, таянч тушунча ва иборалар, ўқитувчининг мақсадлари, асосий саволлар матни, назорат топшириқлари, мустақил ишлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, натижаларни баҳолаш. Ҳар бир ўқитувчи дарс режа ишланмаси тузаётганда инновацион педагогик технологиянинг барча элементларини оқилона қўллаши юқори самара беради. Шу нуқтаи назардан биз ўзимизнинг магистрлик диссертациямиз мавзусини “Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялар” деб номлашни мавсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, муаммога оид олиб борилган тадқиқотлар ўта долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:

Инновацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муаммолари ҳақида А.Г.Ривин ва В.К.Дьяченко томонидан жамоавий ўқитиш, Д.Б.Эльконин, В.В.Давыдов, Л.В.Занковлар томонидан илгари сурилган ривожлантирувчи инновацион таълим тўғрисидаги қарашлар ўз вақтида маълум аҳамият касб этди. Шу билан бирга бошқа инновацион таълим технологиялари: диалектик ўқитиш усуллари (А.И.Гончарук, В.Л.Зарина), ўқитишнинг индивидуал йўналишли усули (А.А.Ярулов), эвристик ўқитиш (А.В.Хуторской) диалог маданияти (В.С.Библер, С.Ю.Курганов), лойиҳали ўз-ўзини рефлексия (Г.П.Шедровицкая) ва бошқа рус олимларини мисол келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асослари ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича бир қатор ватандош

олимларимиз ҳам самарали изланишлар олиб бормоқдалар. Булардан Р.Х.Жўраев, Н.Х.Азизхаджаева, У.Н.Нишоналиев, М.С.Саидахмедов, Б.Л.Фарберман, Ҳ.Ишматов, Х.Абдукаримов, К.Зарипов, Б.Зиёмуҳаммадов, М.Камолиддинов, Т.Ғаффорова, Н.Х.Авлиёкулов, Қ.Т.Олимов, Р.Ишмуҳаммедов, Ў.Толипов,Т.Назарова, А.Э.Кенжабоевларнинг тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда Республикада педагогик технологияларнинг назарий, амалий асосларини, уларнинг мукамаллигини ўрганиш ва ўқув-тарбиявий жараёнга татбиқ этиш давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирлар, деб қаралапти. Бир гуруҳ мутахассисларимиз педагогик технологиялар давр талаби, шу билан бирга янги замонавий йўналиш эканлигини эътироф этиб, таълим-тарбия жараёнига миллий хусусиятларни киритган ҳолда қўллашни тавсия этаётган бўлсалар, иккинчи гуруҳ мутахассислар таълим-тарбиядаги инқироздан қутилиш ва мослаш механизмларини яратиш, таълимга сиёсатнинг бош йўли сифатида қараш зарурлигини исботламоқдалар. Аниқланаётган жараёнлар эришишнинг тадқиқот олиб бориш эҳтиёжи мавжудлигини белгилади.

Тадқиқотнинг мақсади: бошланғич синф ўқиш дарслари самародорлигини оширишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг имкониятларини аниқлаш ва шу асосда амалий усуллар, воситалар мажмуаси ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

- бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш дарслари жараёнини таҳлил қилиш;

-ўқиш дарсларида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

-инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ўқиш дарслари самарадорлигига эришиш усулларини аниқлаш;

- бошланғич синф ўқиш дарсларида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишни амалиётга жорий этиш ;

-педагогик тажриба-синов самарадорлигини аниқлашда дарсларда инновацион технологиялардан фойдаланиш, кузатиш, суҳбат усулларидан фойдаланиб, илмий хулосалар чиқариш, услубий тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти: Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни.

Тадқиқот предмети: Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигига эришиш усуллари, воситалари, шакллари.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Ҳар бир бошланғич синф ўқитувчисининг ўқиш дарслари самарадорлигига кафолатли эриша олади. Агарда:

- бошланғич синф ўқитувчиси инновацион технологияларни қўлаш талабларига тўлиқ риоя эта олсалар;

- бошланғич синф ўқитувчилари ўзларининг фанлари мазмунига мос бўлган инновацион технологияларни ажрата олса:

- бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқиш дарсларида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш йўли ва усулларини амалиётда доимий равишда қўллаб борса;

бошланғич синф ўқитувчилари ўқиш дарсларида инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиб боришса;

Фойдаланилган адабиётлар таҳлилидан намуналар:

Мавзунинг назарий ҳолатини ўрганиш жараёнида педагогик, инновацион технологияларнинг назарий, илмий асосларини турли хил объектларда, турли хил усулларда баён қилинганлигини кузатдик.

Жумладан: Б.Зиёмухаммедовнинг “Педагогик технологиялар: Замонавий ўзбек миллий модели”. – Т.: “Lider Press”, 2009 йил.

Мазкур услубий қўлланма барча турдош педагогик технологияларни яратишга мўлжалланган бўлиб, унда педагогик технологияларнинг назарий асослари, педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари, педагогик

технология асосида “Педагогика” фанини ўқитишнинг ўзбек миллий модели тўғрисидаги фикрлар, тавсиялар баён этилган. Ушбу услубий қўлланмадан диссертациямиз ишида самарали ва ўринли фойдаланилди.

Т.Ғаффорова “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар”.- Т.: “Тафаккур” нашриёти, 2011 йил.

Мазкур методик қўлланмада таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, айниқса бошланғич синфларда педагогик технологиялардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш, бошланғич таълим ўқитувчиларида ўқиш мотивларини ўстириш, таълимнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш йўллари ва усуллари баён этилган. Ушбу методик қўлланмадан диссертация ишида самарали ва ўринли фойдаланилди.

Р.Мавлонова “Бошланғич таълимда инновация”. – Тошкент. Низомий номидаги Тошкент давлат университетида

Мазкур ўқув методик қўлланмада инновацион педагогиканинг вужудга келиши, унинг илмий ва ижтимоий жиҳатлари, педагогик инновация мундарижаси ва йўналишининг асосий негизи, моҳиятлари, ўқиш фаолиятининг инновацион тузилиши, мактаб ўқувчилари тарбияси, ўқитишнинг муқобил воситалари, ўқув юрти турларининг фарқи, инновацион мактабларда тадқиқотлар натижалари таърифланади, педагогикада инновация тушунчасининг шаклланиши, инновацион мактаб ривожланишини таъминлашда экологик меъёрий ҳуқуқ ўзлаштиришни мукамаллаштириш ва технологияни ишлаб чиқиш жараёни тавсифлаб берилган. Ушбу методик қўлланмадан диссертацияда самарали ва ўринли фойдаланилди.

Толипов М. “Педагогик инновация асослари”.-Андижон: «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ, 2011 йил.

Мазкур ўқув қўлланмада таълим тизимида инновация, ривожланишнинг ҳозирги шароитдаги инновацион фаоллиги, педагогик инновацияларни ҳаётга татбиқ этишнинг ташкилий асослари, ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлигини ташхис қилиш методлари, ўқитувчи инновацион фаолиятида муаммоларнинг ижодий имкониятларини долзарблаштириш ва ривожлантириш

баён этилган. Ушбу ўқув қўлланмадан диссертация ишимизда самарали ва ўринли фойдаланилди.

Тадқиқотнинг янгилиги:

- бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш усул ва йўллари очиқ беришга қаратилди.

- бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион жараёнга тайёрлашда ва таълим жараёнига тадбиқ қилиш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот методлари: анкета-сўровнома ўтказиш, кузатиш, ўқув хужжатларини ўрганиш, суҳбат, савол-жавоб, педагогик тажрибалар ўтказиш, тўпланган натижа ва далилларни математик-статистик жиҳатдан ишлаш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва хулосалаш.

Тадқиқот босқичлари: илмий тадқиқот муаммосини тадқиқ этиш 2011-2013 йилларда тўрт босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқич (2011-йиллар)да тадқиқотнинг дастлабки илмий фарази олға сурилди, тегишли адабиётлар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Ўқув дастурлар ва режалар, дарс ва синфдан ташқари дарсларда қўлланилаётган педагогик технологиялар илғор тажрибалар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Аниқловчи тажриба воситасида бошланғич синф ўқувчиларида педагогик технологияларни ўрганилганлик даражаси аниқланди.

Иккинчи босқич: (2011-2012-йиллар)да изланувчи педагогик тажриба-синов олиб борилди. Бунда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманининг 11-46-мактаблар, Денов туманидаги 49-умумтаълим мактабларнинг бошланғич синфлари ўқиш дарсларида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди, шу асосда ўқиш дарси учун инновацион технологиялардан дарс мазмунига мувофиқлари танланди.

Учинчи босқич: (2012-2013-йиллар)да шакллантирувчи тажриба-синов ўтказилди. Бу жараёнда ўқиш дарслари учун тавсия қилинаётган технологияларни таълим жараёнидаги самардорлигини асосланди.

Тўртинчи босқич: (2013-йиллар)да яқунловчи тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Олинган маълумотлар математик статистика услубидан фойдаланиб таҳлил этилди, тадқиқот натижалари умумлаштирилди ва диссертация шаклида расмийлаштирилди.

Қуйидаги **тадқиқот услубларидан** фойдаланилди: фалсафий, психологик, педагогик, услубий адабиётлар таҳлили; таққослаш ва таҳлил қилиш; кузатиш; педагогик (аниқловчи, шакллантирувчи) назорат; педагогик тажриба-синов; математик статистика.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тавсиялардан, умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқув-услубий қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Сурхондарё вилоятининг Жарқурғон туманидаги 11 - 46 - умумий ўрта таълим мактаб; Денов туманидаги 49 - умумий ўрта таълим мактабларида педагогик тажриба-синовдан ўтказилди. Тадқиқот ишининг мазмуни ва натижалари умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқиш дарсларида ва синфдан ташқари очик дарсларида, турли тадбирлар ўтказиш жараёнида синаб кўрилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича университет ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар материалларида 3 та мақолалар чоп этилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технология фойдаланишнинг шакллантириш мазмуни, усуллари.
2. Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишга тизимли ёндашиш.
3. Педагогик тажриба-синов натижалари, илмий хулоса ва услубий тавсиялар.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялар асосий омил бўлиб хизмат қилади;

Бундан ташқари бу диссертация ишида умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчилари учун услубий тавсиялар берилди ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш йўллари кўрсатилди

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация -бетдан иборат бўлиб, у кириш, 3 та боб, 6 та параграф, ҳар бир боб якунида қисқача хулоса, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан ташкил топган.

I.БОБ. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишнинг илмий-педагогик асослари.

1.Бошланғич таълим самарадорлигини таъминловчи омиллар.

Таълим асосида жамият ривожланишининг обектив эҳтиёжлари туради. Таълим инсоннинг меҳнат оламига самаралироқ киришини, жамият ҳаётига қўшилишини таъминлайди. Мустақилликка эришиб, эркин бозор муносабатлари асосида демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиш йўлига ўтган Ўзбекистонда ҳозирги босқичда Халқ таълими тизимида, ёш авлодда мустақиллик ва фаолликни, ишбилармонлик ва тадбиркорликни шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Таълим - жараён бўлиб, у натижа ва тизимдир. Таълим жараён сифатида билимлар, кўникма ва малакаларнинг маълум йиғиндисини, фаолият ва муносабатларнинг тегишли тажрибасини ўзлаштиришга қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир. Таълим натижа сифатида билимларни, фаолият ва муносабатлар тажрибасини ўзлаштиришда эришилган даражадир. Таълим тизим сифатида давлат муассасалари ва бошқариш органларининг мажмуаси бўлиб, улар доирасида инсонни тарбиялаш жараёни амалга оширилади. Шу тариқа, таълим доимо бир йўла тарбиялаш жараёнини ҳам, ўқитиш жараёнини ҳам ифодалайди.

Ёш авлод ҳақида гап борар экан, шахснинг камол топиши, ўз мавқеини англаш ва ўзини кўрсатиш масалалари биринчи ўринда туради. Бу масалалар бутун жамият ва махсус яратилган ижтимоий институтлар ва инсоннинг ўзи томонидан тасодифий равишда ҳам, мақсадга мувофиқ йўсинда ҳам ҳал қилиниши мумкин. Таълим тизимида шахснинг ижтимоийлашуви, касбни эгаллаши ва мослашуви жараёнларини мақсадга мувофиқ тарзда бошқаришга ҳам даъват этилган.

Таълим деганда: шахснинг жисмоний ва маънавий камол топиш жараёнини, унинг онгли равишда айрим ибратли қиёфаларга йўналиши ва тарих майдонига келиб, ижтимоий онгда малум даражада ёрқин из қолдирган

ижтимоий намуна (масалан, Спарта жангчиси, хушахлоқ руҳоний ёки серғайрат ишбилармондек) бўлиши, ҳар томонлама баркамолликка интилиш жараёнини тушуниш мумкин. Ана шу тушунчага кўра, таълим бутун жамият ва шахслар ҳаётининг ажралмас жиҳати сифатида намоён бўлади ва сўзнинг кенг маънодаги «тарбия» тушунчасига ўхшайди. Лекин кўп маънолилиги кўрсатилмаса «таълим» сўзини тўлиқ англаб бўлмайди. Масалан, таълим деганда маълум ҳажмдаги билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш тушунилади. Таълимга шахсни ўқитиш ва камол топтириш жараёнини тегишли йўсинда ташкил этиш сифатида қараш ҳам мутлақо тўғридир. Булардан ташқари, шубҳасиз, таълим билимлар, кўникма ҳамда малакаларни бериш ва ўзлаштириш билан боғлиқ фаолият тизими, шунингдек, маълум ижтимоий институт (ўзига хос вазифаларни бажариш учун тузилган муассасалар тизими) дир.

Кўрамизки, таълим турли шаклларда намоён бўладиган кўп қиррали ҳодиса (даража, жараён, фаолият)дир. Ўқув-тарбия жараёни тизимининг тузилиши, ана шу жараённинг мазмуни, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг фаолияти, шунингдек, амалга оширилган ишларнинг натижаси мазкур тизим жамиятнинг қандай тарихий типига мансублигига боғлиқдир. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, қуйидагиларни айтиш ўринлидир: таълим - нисбатан мустақил тизим бўлиб, унинг вазифалари жамият аъзоларини мунтазам равишда ўқитиш ва тарбиялаш орқали уларни маълум бойликлар, кўникма ва малакалар ҳамда ахлоқ нормалари билан қуроллантиришдир. Ана шундай ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмунини пировард натижада мазкур жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизими ҳамда моддий-техник тараққиётининг даражаси белгилайди.

Эндиликда ҳар бир халқнинг фақат ўз миллий маданияти асосида ўқиши ва тарбияланиши етарли эмаслиги, у жаҳон маданияти бойликларини ҳам англаши зарурлиги тўғрисидаги фикрлар тасдиқланмоқда. Билимдон кишиларни тарбиялашдек анъанавий вазифа ўрнига атрофлича фикр

юритадиган ижодкор кишиларни камолга етказиш вазифаси олға сурилмоқда. Илгари маълумотлилик даражаси ўрганилган қоидалар, таҳлил қилинган асарлар, ёдланган шеърларнинг сони ва бир хил масалаларни ечиш кўникмаси билан белгиланган бўлса, ҳозирги кунда бу даража миқёси кенгайди. Энг муҳим масалаларни қўя билиш ҳар қандай ишга ижодий ёндашиш каби хислатлар маълумотлилик даражасини кўрсатади.

Аввалги вақтларда ўқувчиларни ахборотлардан хабардор қилинган бўлса, энди уларда ҳаётни ўзгартириш, уни яхши томонга буриш кўникмалари ва қобилиятларини шакллантиришга жиддий аҳамият бериш зарур. Энг муҳими, бутун тарбиявий жараёни инсонга қаратишдир. Таълим инсонни билимлар билан қуроллантирибгина қолмаслиги, балки уни шахс сифатида камол топтириши ва такомиллаштириши ҳам керак. Бошқача айтганда, жамиятда таълимни инсонпарварлаштириш ғоялари тобора кенг ёйилмоқда. Шубҳасизки, жамият ва мактабни инсонпарварлаштириш муаммоси таълимнинг оғзаки ахборот усулини унумли, яратувчилик усулига айлантириш билангина ҳал бўлмайди. Мазкур жараённинг энг муҳим йўналиши таълим мазмунини инсонпарвар қилишдир. Бу тадбир, биринчидан, шахсда маданиятни шакллантиришда фанларнинг ролини оширишдан, халқ миллий маданиятининг барқарор бойликларини тушунишдан, иккинчидан, табиий-илмий ва техника фанларини экологик ҳамда ижтимоий аҳамиятли жиҳатлар билан бойитишдан иборатдир.

Шунга кўра таълим жараёнининг асосий натижалари ақлий, ҳуқуқий фуқаролик, коммуникативлик, ахборотли ва тафаккурнинг бошқа йўналишларида чуқур маҳоратга эга бўлиш имконини бериши лозим. Бунда таълим мазмунида муҳим ўринни ўзаро фикр алмашишга имкон берадиган ўқув юкламалари эгаллаши зарур. Жумладан, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, хорижий тиллар, она тили, барча миллатларга мансуб маданий тушунчаларни эгаллаш имконини берадиган маънавий асослари, ўқувчининг тафаккур тарзини ривожлантирадиган математика ва давлат ҳуқуқи асослари,

шунингдек, табиий фанларнинг мазмунини бойитиш, адекват тушунчаларни уйғунлаштириш, яъни интеграллашган таълим мазмунини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялаш стратегияси таълим мазмунини қуйидагилар асосида белгилашни талаб қилмоқда:

1. Ўқувчиларга тақдим қилинадиган янги билимларни, таълим мазмунида муҳим ўрин тутмаган иккинчи даражали бўлган тушунчаларни ўқув дастурлари мазмунига киритишга йўл қўймаслик, ўзаро бир-бирини такрорлайдиган тушунчаларни ва ўқув материалларини дастур ҳамда дарсликларда уйғун тарзда ифодалаш, ўқув режасида ўқув юкламасини рационал ифодалашга эришиш.

Барча ўқув предметлари мазмунига киритилган билим ҳамда тушунчалар, ўқувчининг мактабдан кейинги ҳаёти, ўқиши ва иш фаолиятида керак бўлиши, яроқлилигини таъминлашга эришиш, бунинг учун педагогик прогностиканинг имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Умумий ўрта таълим тизими учун тузиладиган янги ўқув дастурлари ДТС талабларига мос бўлиши, шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ўқувчини мантикий мушоҳада қилишга ундовчи ўқув топшириқлари ва ўқув материалларини белгилаб беришга асос бўлиши керак. Ўқув дастурининг кириш қисмида умумий ўрта таълим мазмунини белгилашга асос бўла оладиган назарий дидактик қарашлар, ёндашувлар, мезонлар, ўқув жараёнида қўлланиладиган технологиялар баёнидан иборат бўлиши керак. Бунда ўқувчиларга муайян ўқув фанидан тақдим этиладиган муайян назарий билимлар мавзулар шаклида баён қилинади. Таълим жараёнини ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўналтириш таълим мазмунини белгилашда устувор мақсад бўлиши зарур. Таълим мазмунини белгилашда ўқитиш технологияси ва ўқувчи томонидан бажариладиган таълимий топшириқларни аниқ режалаштириш талаб этилади. Турли йўналишдаги амалий топшириқлар ҳамда интерфаол иш турларини кенгайтиришга имкон

яратиш зарурияти вужудга келмоқда. Тақдим этиладиган ўқув материаллари ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, менталитети, маънавий-маданий ҳаёти, машғулоти, яшаш ҳудуди билан чамбарчас боғланган, уларни ўқувчи кўз ўнгида гавдалантира оладиган, шу билан қаторда ўқувчининг ижтимоий тажрибасига кирадиган бўлиши лозим. Шунингдек, ўқув қўлланмалари таркибида бериладиган таълимий материаллар, савол ва топшириқлар, мустақил ишлар, уй вазифалари, ўқувчининг индивидуал билим олиши, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиши, эгаллаган билимларини амалда қўллаши учун қулай бўлиши керак. Мустақил таълим олиш ва маълумотларни таҳлил қилиш амалий кўникмаларини шакллантирувчи топшириқлар кўламини кенгайтириш орқали таълим мазмунини мақсадга мувофиқ тарзда белгилаш имконияти вужудга келади. Бу эса дарс жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишларига имконият яратади. Уларнинг индивидуалликларини таъминлайди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастурларини ўқувчини педагогик қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда яратиш имконини беради. Таълимнинг нисбатан юқори босқичларида ўқув режасида таълим мазмунини интеграллаштириш орқали ўқув юктамалари ҳажми қисқартирилади. Бунда мустақил ишлар, жумладан, рефератлар ёзиш, лойиҳалаштириш, изланувчанлик ва тадқиқотчилик фаолиятига кўпроқ вақт ажратиш назарда тутилиши керак.

2. Иқтисодиёт, менежмент, ҳуқуқшуносликка оид билимларни таълим мазмуни таркибига кўпроқ сингдириш талаб этилади. Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг жамият ҳаётига фаол мослашишларига эришиш таълим жараёнида кўзда тутилган асосий муҳим натижа бўлиши керак.

3. Барча даражалардаги ўқув дастурлари давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчиларга очиқ микромайдонлар асосида таълим бериш имкониятига эга бўлиши керак. 2012 йилгача барча ўқув муассасалари, жумладан, умумтаълим мактаблари интернет тармоқлари орқали билим ва ахборот олиш имкониятига эга бўлиши таъминланиши лозим. Умумий ўрта

таълим мактабларида асосий йўналишлар бўйича ахборот, коммуникатив технологияларни қўллаш учун ўқувчиларнинг зарур бўлган таянч тайёргарлиги таъминланиши талаб этилади.

4. Таълим стандартлари ва унинг сифат кўрсаткичларини жаҳон таълим тизими билан таққослашга эришиш ва муҳим хулосалар чиқариш талаб этилмоқда.

5. Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг хорижий тиллар бўйича функционал саводхонлигини таъминлашга эришиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, ахборот технологиялари, рус ва чет тилларида коммуникатив мулоқот қўникмалари ва маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

8. Ўқув дастурлари, таълим мазмунининг янги моделлари камида ҳар уч йилда бир марта тақдим этилиши лозим. Шундагина ўқув-билув жараёнининг натижалари шахс эҳтиёжлари, давлат ва жамият талабларини қондира олади. Шу асосда ўқувчиларбоп дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш учун қулай шарт-шароит вужудга келади. Таълим мазмунининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уни амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш ўта долзарблик касб этади. Шу асосда ўқувчи шахсига йўналтирилган индивидуал таълим жараёнини ташкил этиш мумкин.

9. Умумий ўрта таълимнинг ижтимоий-гуманитар соҳалар ҳамда жамият ҳаётини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий асосларини ўқувчиларга ўргатишга хизмат қиладиган соҳалари мазмунини узлуксиз, мунтазам янгилаб бориш зарурияти мавжуд.

10. Умумий ўрта таълимнинг барча бўғинларида изчил равишда таълим мазмунини янгилашга эришиш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим мазмунини янгилаш деганда таълимнинг амалдаги мазмунидан воз кечиш, деган фикр тушунилмаслиги керак. Таълим мазмуни биринчи навбатда фан-техника, ишлаб чиқариш ҳамда

жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, маънавий ўзгаришларини ўзида ифодалай олиши керак. Шундагина таълим ўқувчи шахсига нисбатан ривожлантирувчи характер касб этиши керак.

Бизнинг бош мақсадимиз бўлган узбек моделини амалга оширишда иктисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий, маърифий йуналишлардаги ислохатларни амалга оширишда демократик, фуқоролик, жамиятимизнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи эркин шахс тарбияси, унинг мустақил тафаккурини узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичларидан шакллантириб бориш фуқоролик жамиятининг асосий талабларидан биридир.

Айнан, ўқув фаолияти орқали ўқувчиларнинг таълим мазмунини эгаллаши даражаси асосида, яъни республикада қабул қилинган ДТС доирасида шахс дунёқараши, тафаккури шаклланади, ижтимоий тузумга онгли муносабати таркиб топади. Демак, таълим мазмунини чуқур ўзлаштиришни мустақил тафаккурини шакллантирувчи омил деб қараймиз. Ушбу нуқтаи назардан ўқув фаолиятини янги педагогик технология асосида ташкил этиш нафақат ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш бўлиб қолмай, балки ижтимоий зарурат талабидан келиб чиққан ҳолда демократик, фуқоролик жамиятининг фаол иштирокчисини шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Демак, таълим жараёни асосида бола шахсининг эркин тафаккурини шакллантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ҳар бир ўқитувчининг диққат эътиборида бўлиши лозим.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам таълим тизимига педагогик технологияларни жорий қилиш, уларни ҳар томонлама ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади. Умуман олганда бу иборанинг лексикологиямизга кириб келганига кўп фурсат бўлгани ҳам йўқ. Шу ўринда педагогик технологиянинг мазмуни нима? Тушунчанинг педагогик ва умуман таълим жараёнига қандай алоқаси бор?-савол туғилиши табиий ҳол.

Бу саволга педагогика фанлари номзоди, доцент Ч.Э.Мирзаев куйидагича жавоб беради: «Таълимга технологик ёндашув-таълим мазмунини ҳар

томонлама таҳлил қилиш орқали таълим-тарбия жараёнининг умумий (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) ва хусусий(муайян фанларнинг мазмунини ўзлаштириш билан боғлиқ) мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи мақсадлари учрашган нукталарда (идентив ўқув мақсади) таълимнинг дидактик мақсадларини аниқлаш йўли билан таълимни комплекс лойиҳалаш, илмий асосланган лойиҳага кўра кўзланган натижага кафолатланган эришишдир».

Жойларда ўқитувчилар билан ўтказилган мулоқатлар шундан далолат берадики, уларнинг аксарияти замонавий педагогик технологияларни бир томонлама англайдилар, кўпинча уни «янги методик жараён» деб ҳисоблайдилар.

Тўғри, таълим технологиясида ўқув–тарбия жараёнини методик таъминлашга катта имкониятлар бор. Педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш масаласининг бир томони холос. Кенг маънода эса ўқув–тарбия жараёнининг яхлит тарзда, мазмунли амалга ошириш техникаси, унинг пировард натижалари самарадорлигини белгиловчи омил, ўқитувчи, кадрларни маҳоратга, самарали меҳнат қилишга етакловчи йўлдир.

Педагогик жараёнда муайян мавзу, фан асосларидан ўқувчиларга кўникма даражасида тез ва қулай билим бериш ҳам таълим технологиясини муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маҳорати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Р.Чориев фикрича, ўқитувчи маҳоратига тўрт йўл билан эришилади:



Ҳозирги замон таълимида бу тўрт омилни сидқидилдан бажармай туриб, ўқитувчи ўз фаолиятида арзигулик ютуқларга эришмоғи амри маҳол. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда вазирлик томонидан ўқитувчининг ҳам илмий, ҳам методик, ҳам таълим технологияси талабларини ўрганиб олишларига ёрдамлашиш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда халқ таълими вазирлигининг бевосита мутахасислигидаги илмий-услубий журнал, газеталар педагог, ходимларга янги педагогик технологиялар

моҳиятини тушунтириш бўйича методик ёрдам бермоқда. Республика миқёсида кўплаб семинар-тренинглари ўтказилмоқда.

Таълим мазмунидаги узлуксизликни таъминлаш таълимнинг мақсад, мазмун, метод, восита, шакл ва унинг жараёнлари каби таркибий қисмлари орасидаги узвийликка боғлиқ. Чунки, таълимда ҳар бир фанни ўрганиш мақсади (нима учун ўқитиш керак?)дан келиб чиқувчи ўқув дастури ва ДТС талабларига мос ўқув мазмуни танланади. Таълим мазмуни (нимани ўқитиш керак?) ўзлаштириш учун эса қулай бўлган методлар танланади. Танланган методлар (кимни ва қандай ўқитиш керак?) ёрдамида мазмун эгалланади. Сўнгра таълим учун тайёрланган воситалар (кўргазмалар ва техник воситалар) ва таълим жараёни, унга етарли даражада мос унинг машғулоти шакли танланади.

Фан ва техниканинг, жумладан, педагогика, психология, методика фанларининг ривожланиши таълим мазмуни ва унинг методларига янги талабларни қўяверади, яъни бу ривожланиш муаммоларни келтириб чиқаради. Таълим мазмуни жамият талабига жавоб бермай тез-тез эскириб қоладиган ҳолатлар ҳам кўп учрайди.

Анъанавий методикада ўқувчи шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда билимини кўникмага ундан эса малакагача ривожланишини таъминловчи механизм яратилмаган. Ўқитувчи ўқувчига асосан ахборот берувчи манба ҳисобланади, яъни билим олишда: ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш: ўрганилган ахборотларни амалда қўллаш билишнинг 3 та босқичдан иборат моделига риоя қилавермайди. Дарс жараёнида олинган билим кейинги поғанага яъни фаоллашув поғонасига кўтарилмайди. Анъанавий методикада яратилган жуда кўп тавсия ва назариялар амалда қўлланилмайди ёки қўллашга ноқулай. Шу боисдан таълимда юзакичиликка йўл қўйилади. Таълим жараёнида мақсад, мазмун, метод, восита ва шакл орасида зиддиятлар эса таълим самарадорлигига эришишда асосий тўсиқ бўлмоқда.¹

¹ Чориев Р. Янги педагогик технологиялар-таълим тарбия сифат ва самарадорлиги омили// «Халқ таълими» журналы.2004.№4.

Хўш, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга тўлақонли эришиш учун авваламбор, нималарни эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор?.

Бу саволга жавобни излашда биз Мавлонованинг бу борадаги фикрларини келтиришни жоиз деб билдик: «Республикамизда таълим жараёнини самарали ташкил этиш масаласи бўйича изланишда ўқитишнинг янги усуллари аста-секин мустаҳкам ўрин олмоқда. Бундай усулларга муаммоли вазиятни ташкил этиш, гуруҳлар билан ишлаш каби усулларни киритишимиз мумкин. Лекин ўқитишнинг янги усуллари асосан мактабнинг юқори синфларида самарали қўлланиб келинмоқда. Хўш, бошланғич таълимда нималар бўлаётир?.

Бошланғич мактаб ҳар қандай ҳолда ҳам ўқувчиларда билимларни шакллантиришда ва уларнинг қобилиятларини аниқлашда асосий роль ўйнайди ва ундан кейин ҳам шундай бўлиши керак. Аммо бошланғич мактабдаги барча ўқитувчилар болаларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга ошираётирми?. Масалан, нима учун юқори синфларда аъло баҳога ўзлаштирадиган болалар сони камайиб бормоқда?.

Мактабни битта ёки иккита ўқувчи аъло баҳолар билан битиришини қандай тушуниш керак?. Истеъдодли, қобилиятли болалар йўқми ёки ўқитиш жараёни шунчалик самарасиз бўлиб қолганми?. Буларнинг сабаби нима?. Сабаби кўп. Биринчидан, бошланғич синф ўқитувчиси болалар билан индивидуал иш олиб бориш имконияти чекланган. Синфларда бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш зарур. Иккинчидан, мазкур ўқитувчиларнинг методик савияси етарли эмас. Синфдаги умумий ишлар жараёнида қобилиятли болаларнинг ижодий имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Улар ўз қобилиятларини кўрсата олмаётир. Ўқитувчи кучи ва эътибори бутун синфга қаратилиб, қобилиятли болалар кўзга ташланмаётир. Умумий айтганда, хусусан болаларни саралаш ва ўқитишга бошқача ёндашиш билан уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш керак».

Анаъанавий дарс ўтиш жараёнида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлар фойдаланилади. Шу сабабли бу ҳолларда анаъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнинг пассив иштирокчисига айланиб қоладилар. Болаларда бетиним жиддий дарс беравериш, устма-уст назарий билимлар, қоидалар билан қуроллантиравериш уларни ўқишдан бездириб қўяди. Кичик мактаб ёшидаги болаларида бундай ҳол кўп учрайди.

Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?. Анаъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда дарс жараёни оқилона ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил ривожлантириб турилиши, ўқув мавзунини кичик-кичик бўлақларга бўлиб уларнинг мазмунини очишда баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисоллар келтириш, ўқувчиларни амалий машғулотларни мустақил бажаришга ундаш, ҳар хил баҳолаш усуллари ва таълим воситаларидан жойида ва ўз вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Педагогик технологиянинг кенг миқёсда таълим жараёнига тадбиқ этилаётганлигининг боиси шундаки, унда ўқув мақсадларига гаровли эришилади.²

Технологик ёндашувнинг энг аввало юзакичиликка эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи самарали ёндашув эканлигини англаган ўқитувчилар уни ўз фаолиятларига тадбиқ этмоқдалар.

Жумладан, II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, олий тоифали ўқитувчи Ҳ.Раҳматуллаева инновацион педагогик технологияларнинг афзаллиги ҳақида шундай дейди: «Ўқитишнинг инновацион педагогик технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этаётганлигим боис

² Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимда инновация. -Т.: 2007.

ўқувчиларнинг дарс ўзлаштириши сифати ошиб бормоқда. Болаларда эркин фикрлаш, ўз фикрини мустақил баён этиб бериш, кўпроқ билишга интилиш ортмоқда, улар хотирасида ўтилган мавзулар кўпроқ сақланиб қолишга эришмоқдаман».

Анъанавий ўқув жараёнида асосий омил-педагог (ва унинг фаолияти) ҳисобланса, педагогик технологияда биринчи ўринда ўқиш жараёнидаги ўқувчилар фаолияти қўйилади. Бу эса ўқувчининг нафақат таълим жараёни объекти, балки уни таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида намоён бўлишига имкон беради.

Президентимиз И.А Каримов миллий мафкура масалаларига тўхталар экан, «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» зарурлигини уқтиради ва ўқитиш эркин фикрли кишиларни тарбиялашга қаратилган бўлиши, бу ислоҳатларни амалга оширишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар.³

Ўсиб келаётган ёш авлодда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, соғлом ва баркамол наслни тарбиялаб этиштириш мураббийларнинг муҳим бурчидир. Чунки мустақил фикрловчи ўқувчиларгина келажакда ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишиб, мустақил республикамизни илғор жаҳон давлатлари қаторига олиб чиқадилар.

Шу ўринда З.Нишонваннинг «Мустақил фикрлашга ўргатиш» номли мақоласидаги қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш ўринлидир: «Ҳозирги давр ўқитиш тизими ҳам кўпроқ хотирани ривожлантиришга қаратилган. Бирок айрим ўқитувчиларда бугун бир мавзунини тушунтириб, тайёр ҳолда ўқувчиларга етказиб бериб, эртасига шу мавзунинг мазмунини сўраши ёки шеърни ёд олишга бериш ҳоллари кўпроқ учрайди. Бундай дарсда ҳеч қандай муаммоли вазият яратилмайди ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига имкон берилмайди. Ўқитувчиларнинг ўзлари ўқувчиларнинг мустақил фикр юрита олмаслигини билишади. Лекин қандай қилиб ўқувчида

³ Каримов И.А “Юксак маънавият - энгилмас куч” Т. ”Маънавият” нашриёти 2008 йил.

мустақил фикр юритиш қобилиятини шакллантириш мумкин? - деб берилган саволга жавоб беришга қийналадилар».⁴

Ж.Толипованинг фикрича: «Фикр-бу инсоннинг фаолияти, иқтидор, қудрати ва билимини намоён этадиган маънавий, ахлоқий, инсоний сифатидир. Фикр ривожига жамият ижтимоий, иқтисодий тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун, ўқувчиларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини тўғри топиши, ижодий ва ижтимоий фаол бўлишини назарда тутган ҳолда ўқитиш жараёнида уларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарур»дир.

Айни кунда республикамиз таълим фидоийлари дарс беришнинг ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи усул ва услубларини жорий қилишмоқда. «Ақлий ҳужум», «Музёра», «Интервью», «Дебат», «Баҳс-мунозара», «Гуруҳларга бўлиб ишлаш», «Б, Б, Б», «Кластер», «Чигил ёзди», «Конференция» каби кўплаб дарс бериш усуллари бугунги кунда ўқитувчиларимиз томонидан самарали қўлланиб келинмоқда.

Аммо шундай муаммолар борки, айрим ўқитувчилар томонидан бу усуллар нотўғри ва самарасиз фойдаланилаяпти. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ўз касбинини, қолаверса, ўз мутахасислигини билмайдиган ўқитувчиларга бу усуллар жуда маъқул бўлмоқда. «Инновацион педагогик технологиянинг талаби шу», «ўқувчиларни мустақил ўқишга ва фикрлашга ўргатаймиз» деган баҳоналарда дарсга тайёргарликсиз келадиган ўқитувчилар ҳам анчагина.

Биз ўқитувчи болаларга замонавий билим бериши керак!- деб кўп таъкидлаймиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши даркор. Ушбу фикр Президентимиз томонидан ҳам бир неча бор таъкидланган.

⁴ Нишонова З. Мустақил фикрлашга ўргатиш// «Мехнат таълими мехнат ўқитувчиси» журнали. 1999.№3.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришда асосий муаммо ҳам шунда. Ўқитувчи қайси мавзунини қайси дарс ўтиш усули ва услубларидан фойдаланган ҳолда ўргатишни олдиндан режалаштирмоғи лозим. Ҳар бир дарсни қайси усул ва услублардан фойдаланган ҳолда олиб борса, самарали бўлишини аниқ билиши керак. Ахир ҳар қандай дарсни ҳам мустақил ўқиш ва айтиб бериш орқали ўрганиб бўлмайдику. Шу жойда яна бир оғир саволга дуч келамиз: Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайдилар?. Умуман, мактабда мустақил фикрлашга ўргатиладими?.

Бугунги кун ўқитувчи-ўқитувчилари бу муаммонинг асл моҳиятини тушуниб етмоқдами?. Биз бир гуруҳ ўқитувчиларга бу масала юзасидан анкета саволлари билан муружаат қилганимизда (1-илова) жавоблар натижаси шунини кўрсатадики, бошланғич синф ўқитувчиларининг 7% бу борада ижодий изланаётган эканлар, 43% ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини уюштиришда илғор тажрибалардан фойдаланади-ю, лекин яхши натижаларга эриша олмайди, бу унинг асл моҳиятини тушуниб етмаганлигидан далолат. 35% ўқитувчи эса педагогик касбга тайёргарлик кўрган ва малака ошириш давридаги билимлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилади, 15% ўқитувчи фақат дарсликка таяниб иш кўради. Кўриниб турибдики, бу муаммо ҳам ханузгача ўз ечимини топгани йўқ.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг 2-босқичида ўқув-тарбия жараёни юқори ўқув адабиётлари ва педагогик технологиялар билан таъминланади, деб қатъий белгиланди, аммо мактаблардаги аҳволни ўрганиб чиқар эканмиз, бунинг аксини кўришимиз табиий. Воҳаланки, ўқитувчиларнинг ўзи ҳали педагогик технологиянинг мазмун-моҳияти, ўқитишнинг замонавий усуллари тўғрисида деярли тасаввурга эга эмаслар. Шунини айтиб ўтиш жоизки, қишлоқ мактабларида таълим-тарбия жараёни ҳамон анъанавий усулда олиб борилмоқда. Натижада кўпчилик ўқувчилар юқори синфларда дарс ўзлаштиришлари қийинлашмоқда. Шунини инобатга олиб, аввал мактаб раҳбарининг ўзлари педагогик технологиялардан хабардор бўлишлари шартлигини айтиб ўтмоқчиман. Ўқитувчилар дарсларини таҳлил қилганда янги

дарс усуллари, унинг афзалликларининг атрофлича маъно-мазмунини очиб беришлари лозим. Ҳар бир мактабда илғор педагогик тажрибалар хонаси ёки алоҳида махсус шкафлар, столлар ташкил этилиши керак. Токи ҳар бир ўқитувчи шу жойдан ўзига керакли маълумотларни ола билсин. Бундан ташқари, ўқитувчига ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш даркор.

Тадқиқотлар кўрсатишича, фақатгина фикрлаш, мушоҳада қилиш йўли билан эгалланган билимгина хотирада сақланиб қолинар экан. Шу боисдан ўқитувчи фаоллигига асосланган анъанавий дарс ўтиш услубидан воз кечилиб, замон талабларига жавоб берувчи ўқитишнинг замонавий усуларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими С.Турғунов бошланғич таълим муаммоларини таҳлил қилиб бу борада ўз фикрини баён қилади: «Мамлакатимиз мустақил бўлгунча ўқитувчининг иши ҳам, ижодкорлиги ҳам чегараланган эди. Ўқитувчи дарс ўтиш методикасида берилган дарс этапларига қатъий риоя қилган ҳолда конспект тузиб, шу режага асосланган ҳолда дарс ўтмоғи лозим эди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалардаги каби маорифда ҳам ислоҳатлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида болалар боғчасидан бошлаб олий мактабгача эътибор кучайтирилиб, дастур ва дарсликлар янгиланмоқда, янги-янги дарс ўтиш усуллари вужудга келмоқда. Ўқитувчи ижодкорлиги оширилди, бу эса таълим-тарбия борасида анчагина силжишни вужудга келтирди. Ноанъанавий дарслар: эртак, саёҳат, мусобақа, бозор, спорт, ўйин турларидан фойдаланиб яратилган дарслар дуруст самара бермоқда. Бу ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширмоқда, ўқитувчининг ижодкорлигини чархлаб бормоқда».

Хўш, замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак?. Бола 1-4 синфларда қандай билимларга эга бўлиши лозим?. Болаларда қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усул ва услубда таълим бериш керак?. Бу масалаларга жавоб топишимиз зарур.

Бошланғич таълим концепциясида бошланғич таълимнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Чунончи: болаларнинг онги ва тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш кичик мактаб ёшидаги болаларда таълимнинг дастлабки давридан бошлаб янги имкониятларни ўқув материални муваффақиятли ўзлаштиришгагина эмас, балки ҳаётий муаммоларни ечишга ҳам тайёрлайди, ўқувчиларда ўрганиш ва таълим жараёнига бўлган қизиқишини оширади

Мазкур мақсад ва вазифаларни чуқур таҳлил қилиб, қуйидагича талқин қилиш мумкин. Демак, ҳар бир болада яширин ҳолда юрагининг тубида бирор нарсага қизиқиш, интилиш яъни бошқача қилиб айтганда, иқтидор куртаклари бўлади, уларни аниқлаш ҳамда ривожлантириш керак. Бу жараён эса жуда мураккабдир. Ана шу мураккаблиги билан бошланғич таълим бошқа таълим босқичларидан ажралиб туради. Чунки бошланғич таълимда фанларнинг асоси– алифбо ўргатилади. Бошланғич таълимда ўргатиладиган фанлар алифбоси ДТСда белгилаб берилган, шу асосида дарсларда ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши зарур бўлган билимлар доираси ўргатилади. Агар ўқувчи 4 йил мобайнида шу фанлар алифбосини ўзлаштира олмаса, у таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттира олмайди. Демак, биз ўқувчиларнинг турли ўқув фаолиятларини, усулларини ўзлаштиришларига имконият ва шарт-шароит яратиб беришимиз лозим.

2.Педагогик фаолиятни технологиялаштириш – ижтимоий зарурат.

Жамият тараққиёти ҳозирги даврда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини технологиялаштиришни тақазо қилмоқда. Айниқса педагогик фаолиятни технологиялаштириш ҳар қачонгидан ҳам заруратга айланмоқда.

Бу зарурият қуйидагилар билан изоҳланмоқда:

Биринчидан, жамиятимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишни ҳамда аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида;

- Иккинчидан, ўқитувчи фаолиятига фақатгина ўқув жараёнининг ташкилотчиси эмас, балки нуфузли билимлар манбаи сифатида қаралаётганлиги;
- Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказиш учун вақтнинг чегараланганлиги;
- Тўртинчидан, кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмперик билимларга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;
- Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Педагогик фаолиятни технологиялаштириш юқорида санаб ўтилган бешта шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Педагогик фаолиятни технологиялаштириш педагогик тизим доирасида бажариладиган амаллардан иборат.

Ҳар қандай жамиятда педагогик тизимнинг мақсади жамиятнинг шахснинг шакллантиришга қўйган талаблари асосида белгиланади ва жамият талаблари асосида тизим ҳам ўзгариш мумкин. Жуда кўп тадқиқотларга асосланган ҳолда В.П.Беспалко педагогик тизимни ўзаро боғлиқ 6 та элементини кўрсатади.

Булар:

улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малалакаларни шакллантиради.

Педагогик технологияга асосланган таълим жараёнида ўқитувчи фаолияти ва ўқувчи фаолияти доираси аниқ белгиланади, таълимни ташкил этишининг аниқ технологияси кўрсатилади.

Педагогик технологиянинг муҳим хусусиятлари, белгилари қуйидагилар:

- таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва синфда ўқувчилар билан қайта ишлаб чиқиш;
- тизимли ёндашув асосида ўқувчининг ўқиш-билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини тузиш;
- таълим мақсади реал, аниқ диагностик бўлиши ва ўқувчининг билим ўзлаштириш сифатини обектив баҳолаш;
- таълим жараёнининг тузилиши ва мазмунинг яхлитлиги, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиши;
- таълим шакллари оптималлаштириш, қулайлаштириш;
- таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;
- таълим мақсадларини кўзланган эталон асосида ўқувчиларнинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида жуда ойдинлаш- тириш;
- талабанинг фаоллигига таяниб ўқитиш;
- билим ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш;
- шакллантирувчи ва жамловчи баҳолар;
- белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларини бажариш;
- таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги;
- таълим самарадорлигининг юқорилиги.

Аниқроқ қилиб айтганда педагогик технологияга асосланган фаолият деганда, таълим функциясини амалга оширишдаги маҳорат ва санъат

тушунилик, у жуда қулай усуллар асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга асосланади.

Инновацион технологияда таълим жараёнининг мақсадини белгилаш муҳим бўлиб, у режалаштирилган натижаларни кафолатлаши лозим.

Бугунги кунда педагогика соҳасидаги инновацион технологияларни кенгроқ ва чуқурроқ ўзлаштириш, уларни ўз минтақамизга мос ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарур муаммога айланди. Бу муаммони ҳал этиш ҳозирги кунгача шаклланиб келган таълим-тарбия соҳасидаги назарий ва амалий тажрибаларни ўрганишни тақозо этади.

Педагогик технологиянинг таълим соҳасидаги механизмлари қуйидагилардир:

- таълим муассасаларида ижодий муҳит яратиш, илмий педагогик ходимлар орасида ташаббускорлик ва янгиликка бўлган қизиқишни ошириш;
- таълим соҳасидаги ижодкорликни, янгиликларни қабул қилиш ва кенг ёйиш учун ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиш;
- изланувчанлик фаолиятини рағбатлантириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмларини ишга солиш;
- нисбатан истиқболли янгиликларни, самарали лойиҳаларни амалда ҳаракатдаги таълим тизимига жорий этиш, тўпланган янгилик ва тажрибаларни доимий ҳаракатдаги умумтаълим тизими режимига сингдириш.

Шу боис мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш ва уни ҳозирги замон талабларига мослаштириш, замонавий информатсион технологияларга асосланган жаҳон андозалари даражасидаги тизимни яратиш умумдавлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълим тизимини ислоҳ этиш асосида, жамиятнинг ривожланиши талабларини ҳисобга олган ҳолда, етук мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор берилган. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун эса биринчи навбатда, ўқув жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, унга жаҳоннинг

ривожланган давлатларида кенг қўлланилаётган замонавий педагогик технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш зарур.⁵

Жамиятнинг ҳар бир фаол фуқароси XXI аср бўсағасида турар экан, ўтган йилларни баҳолашга ва келажак ҳаётининг турли қирраларини белгилаб олишга уринишлари табиийдир. Таълим соҳасида ҳам бундай ишлар амалга оширилмоқда. Илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий соҳасига, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақазо этмоқда. Шу боисдан бугуни куннинг долзарб масалалардан бири педагогик технология ҳисобланади.⁶

Таълим - инсонлар фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун таълим тизимида инсон фаолияти билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу вазифаларни илмий-техник жараённинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда таълим назариясини яратиш, яъни фанни жамиятнинг фаол, самарали ишлаб чиқариш кучига айлантириш орқали амалга ошириш мумкин.

Педагогик технологиянинг таълимдаги амалийлик ҳамда ташкилий-услубий имкониятларини амалга оширишга йўналтирилганлиги, унинг аниқ воситалар ёрдамида ҳаётга татбиқ этилиши бутун жаҳон педагогларининг унга эътиборини кучайтирмоқда. Бу йўналишга турлича қарашлар мавжуд, баъзи ўқитувчилар педагогик технологияда таълимни табақалаштириш воситасини кўрмоқдалар, бошқаларини кам меҳнат сарфлаб юқори натижаларга эришиш имкониятлари, педагогик технологияда барча таълим олувчиларни олдиндан белгиланган билим, кўникма ва малакалар даражасига етказиш мумкинлиги

⁵ Таълат Ғаффорова “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар”.-Тошкент “Тафаккур” нашриёти, 2011 йил.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й.

қизиқтирмоқда. Баъзи педагоглар таълимни «технология»лаштириш ёрдамида оммавий таълим амалиётида туб бурилиш ясашга умид боғламоқдалар.

Таълим жараёнига технологик ёндашув тамойиллари қуйидагиларни ўз ичида олади:

1. Мақсадга йўналтирилганлик ва таълим-тарбия натижасининг кафолатлилиги тамойили. Таълимни «технологик» йўналишда кўришнинг умумий мезони унинг аниқ ва батафсил белгиланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Бу ҳолатда ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун алоҳида қонуният, жараён, кетма-кетлик ва унга мос амаллар мажмуи мавжуд бўлиши асос сифатида олинади. «Педагогик технология»нинг воситавий йўналтирилганлиги унинг турли услублар асосида турли таълим тизимларини кўришдаги кенг имкониятларини белгилаб беради. Бунда таълимнинг ташкилий жиҳатлари олинади. Фақатгина «Педагогик технология» доирасида аниқлаб олинadиган мақсадларнинг эмпирик (амалий) таҳлили берилади. Бунда таълим-тарбия натижасининг кафолатлилиги асосий ўрин тутди.

2. Тизимлилик, яхитлик тамойили.

Педагогик технологияда таълим-тарбия жараёни маълум тизим-лилик асосида ташкил этилади. Белгиланган аниқ мақсад лойиҳалаштирилган таълим жараёни тизим ичида амалга оширилади.

3. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш тамойили. Инсонпарварлаштиришнинг луғавий маъноси юнонча ҳуманус - инсонийлик, ҳуманитас - инсоният демакдир. Инсонпарвалаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанларнинг (тарих, маданиятшунослик, сотсиология, психология, филология ва бошқалар) киритилади. Шу билан бирга инсонийлаштириш тушунчаси ҳам ишлатиладики, бу эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошқача айтганда, инсонпарвалаштириш - инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёнидир.

Педагогик технологияга асосланган таълим жараёнида педагог тахсил олувчилар фаолиятини авторитар (якка ҳоқимлик) тарзида бошқармай, балки инсонпарварлаштириш тамойили асосида тенг ҳамкорлик ғояларига содиқлик билан таълимни инсонпарварлаштириш тамойили- га амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

4.Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили.

Ушбу тамойил қуйидаги икки жиҳатни ёритишга хизмат қилади:

1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига тахсил олувчиларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим;

2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади.

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва тахсил олувчиларнинг бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.

5.Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги икки хил маънода изоҳланади:

А) тахсил олувчилар ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар;

Б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар.

Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустаҳкамланади, шу сабабли тахсил олувчиларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги татбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

6.Илмийлик тамойили - таълим-тарбия жараёнида самарали восита, фаол метод ҳамда дидактик материаллардан фойдаланишнинг ташкилий масалалари янги ечимларини қўллашни тақозо этади.

7. Педагогик диагностика тамойили. Таҳсил олувчи ва ўқитувчининг дастурли фаолиятини ташкил этиш, ўқув жараёнининг боришини тахмин эта билиши лозим.

Ўқитувчи таҳсил олувчини мустақил ишлашга ўргатади, ундан муайян ҳаракатларни амалга оширишини ва қўллашини талаб қилади.

Дидактик материаллардан кенг фойдаланиш тамойили. Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалари, шунингдек, фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг ва унумли фойдаланишни тақозо этади. Мазкур тамойил педагогик жараённинг жадаллаштирилишини таъминлайди.

Ўқув жараён учун зарур бўлган моддий-техник базани яратиш тамойили. Ушбу тамойил ўзида етарли даражадаги моддий - техник базани яратиш имкониятини излаш жараёнини ёритиш учун хизмат қилади.

Ўқув-тарбия жараёни натижаларини ҳолисона баҳолаш тамойили, Ушбу тамойил тест усули ва рейтинг тизими асосида таҳсил олувчи билим ва кўникмалари даражасини аниқлаш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш, шунингдек, баҳолашни автоматлаштириш каби фаолият мазмунини ифодалашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнининг ҳар қандай қисми унинг лойиҳалашига технологик жиҳатдан ёндошилганда қуйидаги асосий босқичларда эга бўлади:

- Таълим босқичининг умумий мақсадини белгилаб олиши;
- Умумий мақсадни шакллантиришдан уни ихтисослаштиришга ўтиш;
- Ўқувчиларнинг билим даражасини ташхис қилиш;

Босқичлар кетма-кетлиги тавсифи ўқитувчи ҳаракатларининг даврий такрорланувчи кетма-кетлиги бўлиб, у кўп маротаба мос равишда мақсадлар, аниқ назорат усуллари ва таълим жараёни турлари билан такрорланиб, таълим жараёнини ниҳоясига етказди.

Ҳозирги шароитда инновацион фаоллик таълим мазмунининг ҳам мазмун ҳамда ташкилий-тузилмавий жиҳатдан қайта ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ. Бу жараёнларнинг асоси бўлиб охирги уч, ўн йилликда

педагогик таълим назариясини тезкор ишлаб чиқилиши бўлди (А.А.Абдулина, Е.В.Бондаревская, В.И.Загвязинский, В.С.Ильин, Н.М.Кан-Калик, В.А.Сластенин ва б.қ).

Педагогик таълим ривожланишининг замонавий инновацион йўналишлари ичида хусусий инновацион назарияни, шахсий (хусусий) йўналишли таълим соҳасидаги ишланмаларни, таълимни ташкилий-тузилмавий моделини, таълимни кўп даражали тизимини ривожлантиришни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Охирги ўн йилликда педагогик инновацияни назарий асослари ишлаб чиқилган. Айниқса, К.Англовский М.В. Кларин, В.Я.Ляудис, М.Н.Поташник, С.Д.Поляков, Т.И.Шамова, О.Т.Хомерики, Н.Р.Юсуп-бекова, В.А.Сластенин ва бошқаларнинг ишларида педагогик профессионализмни ривожлантиришнинг ўзига хос томонларини аниқлаш ва таълим тизимида ўқитиш жараёнида бўлғуси ўқитувчининг инновацион имкониятларини ривожлантириш олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг баҳс мавзуси бўлиб қолмоқда.

Шахсий йўналишли таълим концепцияси маданий-тарихий ва фаолиятли ёндашувга асосланади (Л.С.Виготский, А.А.Леонтьев, Д.Б.Эльконин, Э.В.Ильенко, В.В.Давидов, Г.П.Шедровицкий, А.Г.Асмолов) ва бугунги кунда умумметодологик жиҳатдан В.В.Сериков, В.Г.Цукерман, В.П.Зинченко, Л.Н.Куликовларнинг ишлари алоҳида аҳамиятга молик. Ташкилий-бошқарув даражасида ушбу муаммо билан М.Н.Костиков, В.А.Болтовлар шуғулланган. Ушбу концепциянинг етакчи ғояларидан бири педагогик таълимда предметли тайёрлашнинг роли ва ўрнини англаб етиш, предметларни ўзлаштириш билан асосий эътибор ўқувчиларни ривожлантириш воситаси сифатида предметни ўқитишга асосий мақсад қаратилади.

Ушбу концепциянинг бошқа бир ғояси ўқув шаклларини конструкциялаш билан боғлиқ бўлиб, бунда таълим жараёни ягона жараён сифатида қаралади, (хусусий ўқув фаолияти) унда материални англаб етиш ва тадқиқот иши биргаликда бўлажак ўқитувчининг шахсий педагогик позицияси бўлиб шаклланади. Мазкур ёндашувда асосий талаблар қуйидаги изчилликда:

шахс ўзи учун ва бошқалар учун ҳам асосий бойлик бўлиб, бунда таълим-таълим тизимидаги яхлит педагогик жараён сифатида йўналтирилган шахсни ўзгартиришга қаратилган жараёндир.

Бундай таълимнинг бош натижаси эгалланган билим, кўникма ва малакалар эмас, балки шахс ўсишига қобилият, эмпатик ўзаро муносабатлар ва шахсий самарадорликка қаратилган юқори ижтимоий фаоллик тушунилади. Ҳаётий келажакни амалга ошириш учун инсон ўз фаолиятини онгли тарзда қайта йўлга қўяди ва бунинг учун таълим жараёни имкониятларидан фойдаланади. Айниқса, бу жараён ўқувчи ёши даври, ёшлик даври айна ушбу жараённи йўлга қўйиш учун муҳим босқич ҳисобланади. Ушбу концепциянинг кейинги ғояси педагогик субъективликни ривожланиши билан боғлиқ: ўқувчи “ўрганувчи”, “ўқувчи”, “ўқитадиган” позиция орқали ўтади.⁷

Агар таълим муассасасида “ўқиш жойи ва вақти эмас, балки йигит ва қизларни катта бўлиш майдони”(Д.Б.Эльконин) деб қаралса, у ҳолда ушбу таълим муассасасидаги педагогик жараён уни амалга ошириш орқали таълим олаётган ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантиришини фаоллаштирувчи, ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган педагогик жараённи ижодий-ўзини қайта қуриш субъекти ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи учун имкониятлар ҳисобланади. Ўқитувчи фаолияти ҳам ўзгаради: “уста” ишлари орқали билимларини педагогик технология асосида етказишдан, ўқувчиларда педагогик қобилиятни шакллантириш мақсадида биргаликдаги фаолиятни ташкил этувчи “маслаҳатчи” позицияда ўқувчилар билан биргаликда унинг келажак касбий фаолиятини лойиҳаловчига айланади. Шунга кўра интегратив таълим технологияларини йўлга қўйиш долзарб бўлиб қолади. Ушбу масалада таълимни лойиҳалаш билан шуғулланувчи муаммолар институти бугунги кундаги долзарб масалада етакчилик қилмоғи зарур.

Педагогик таълим амалга оширишининг ташкилий-тузилмавий модели ҳақида алоҳида тўхталиш кераклиги эътиборга лойиқ. Булар: кичик даражадаги,

⁷ К.Турғунбоев, М.Ортиқова “Педагогик инновация асослари” –Андижон. “Андижон нашриёт-матбаа”. 2011 йил.

кўп босқичли ва кўп даражадаги моделларга қаратилишидан иборат. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир модел мустақил яхлит таълим сифатида қаралиб, улар ўзларининг жилғаларига эга бўлиб, аниқ ижтимоий-маданий ва иқтисодий ҳолатлар билан бевосита боғлиқ.

1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ таълим тизимининг кўп босқичли тизими йўлга қўйилди. Таълим тизимининг кўп босқичли тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни кучли инновацион жараён сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу масалада Фарбий Европа мамлакатлари тажрибаси ҳар томонлама таҳлил этилиб, баҳо берилди ва Ўзбекистон Республикаси шароитида ўзимизнинг менталитетимиздан келиб чиқиб, таълим тизимининг ўзига хос кўп босқичли тизими яратилди.

Умуман олганда таълим тизимида индивидуал-ижодий ва жамоавий-ижодий фаолият соҳасида бугунги кунга келиб сезиларли тажрибалар тўпланди, ўқув педагогик жараёни иштирокчилари ўртасида “субъект-субъект” муносабатлари ривожланишида ўзгаришлар содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Ушбу тизим орқали ўқувчиларнинг мустақил ишлашга иштиёқи ортиб, рейтинг тизимида уларнинг фаол иштироки таъминланса, ўқитувчилар томонидан ўқувчилар фаолиятини бошқаришда методик маданият даражаси ўсиб бориши кузатилади.

Мана шу сабабли педагогнинг ижтимоий ва касбий (профессонал) асосга эга сифатлари тўпламини ажратиш мумкин: юксак фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллик, болаларга муҳаббати уларга ўз жонини бериш истаги ва талаби: ҳақиқатан инсонийлик, маънавий маданият, бошқалар билан ишлаш истаги ва маҳорати юксак профессионалли илмий педагогик фикрлаши инновацион усули, янги кадриятлар яратишга ва иждодий қарорлар қабул қилишга тайёргарлиги: мунтазам мустақил билим олишга интилиши ва бунга тайёрлиги, жисмоний ва психик соғломлиги, профессионаллиги қобилиятидан ташкил топади. Жамиятнинг ҳозирги босқичидаги ривожланиш шароитлари томонидан ўқитувчи меҳнатига ва шахсига қўйиладиган талабларни жамлаб, уларни қуйидаги тақвим этиш мумкин; юксак маданият ва

маънавийлик, ўзини бағишлаш, меҳрибонлик, янгини нозик ҳис этиш. Келажакни кўра билиш ва ўз тарбияланувчиларни келажакда ҳаётга тайёрлашни билишга индивидуал истеъдодини педагогик ҳамкорлик билан бирга максимал амалга ошириш, ғояларига умумийлигини ва ижтимоий фаоллиги, юксак профессионаллик даражаси ва ўз билимларини доимий тўлдириб боришга интилиш, принтсипиаллик ва талабчанлик, ҳозиржавоблик, эътиборлилик, эрудитсия ва ижтимоий масъулиятлилик, профессиограммада педагогик назарияси унинг дунёга иродавий ва эмотсионал баҳолаш муносабатлари тизими муҳим ўрин эгаллайди. Педагогнинг ижтимоий ва профессионал назарияси-педагогик касбга муносабати, педагогик фаолият мақсадлари ва воситаларига муносабати билан белгиланади. Педагог тририкетор (ахборот етказувчи) дўст, маслаҳатчи, илтимос қилувчи рағбатлантирувчи ва шу кабилар сифатида иштирок этиши мумкин. Мана шу профессионал назариялардан ҳар бири педагогнинг шахси унинг ижтимоий назариясига қараб ҳам ижобий ҳам салбий натижа бериши мумкин. Педагогни ишончи унинг шахси энг чуқур протсентлар ҳарактеристикаси деб ҳақли равишда ҳисобланади.

Педагогнинг қиёфаси инсонпарварлик назариясини билиш етаклашига интилишини, инсон қадриятини паймол қилувчи маънавий нуқсонлар камчиликларга йўл қўймаслик, бурч ва масъулиятни ҳис этиш, инсонпарварлик позитсияси билан белгиланади. Ўзининг педагогик малакасини оширишга интилиш тарбияланувчилар учун намуна бўлишга интилиш керак.

Ўқув – тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса ўқувчидан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув –тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлиқ. Педагогик технология асосида

Ўтказилган машғулотлар ўқувчиларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нутқини назарларини асослашга имконият яратади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув – тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ўқувчиларни билимли ва етуқ малакага эга бўлишларини таъминлайди. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усулларидан фойдаланади. Интерфаол бу ўзаро, ҳаракат қилмоқ ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол усулбўйишлари билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим оловчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман ўқувчиларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади. Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундан педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши; ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши; ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган

ҳолда кучайтирилиши; педагогик ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этишлари киради.

Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ. Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланилган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнидаги педагогик технология бу аниқ кета - кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Бу ҳолат бугунги кунда ўта долзарблиги билан муҳимдир, чунки ушбу жараён (инновацион жараён) таълим муассасаларини яшаш шарти (бевосита ва кўчма маънода ҳам), келажак авлодлар ва ўқитувчилар жамоасининг алоқаларини ижтимоий ҳимоялаш шарти бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳаёт таълим муассасалари олдига янги, вазифаларни, яъни эскичасига ишлаб туриб, аниқ янгиликларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишни олдимизга қўймоқда.

Барча янгиликларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашадиган, ўтмиш бойликларга, тажрибаларга эътиқод руҳида тарбияланган, стабилликни ёқтирадиган кекса авлодни, шунингдек ҳеч қандай ўзгаришларни хоҳламайдиган ўқитувчиларни ҳам тушуниш мумкин. Бундай ҳолатда

“инновацион жараёнлар орқасидан қувиш” бугунги ҳаётимизнинг ажралмас қисми эканлигини ҳам тушуниш зарур. Хоҳлаймизми ёки йўқми бизнинг таълим муассасалари деворининг орқасида бозор ва бозор муносабатлари жараёни кетаяпти. Бу жараён тўғридан-тўғри бизга тегишлидир, чунки таълим муассасалари ўртасидаги рақобат, таълим сифати, ижтимоий буюртмалар каби янги тушунчалар турмушимизга кириб келаяпти. Тўғрироғи, бу жараён биз яшаётган муҳит, ҳаёт тарзи эканлигини ҳар доим ҳис этиб туришимиз керак.

Бу жараёнга қарши туриш бефойда ва хавфлидир. Биз танлаш имкониятига эга эмасмиз ва ушбу тезкор жараён (қувиш жараёни) да иштирок этишга мажбурмиз. Мазкур жараёнга энг муҳими ақл билан ёндашиш, ўз ташкилотимиз манфаати йўлида иштирок этишдан иборат. Кўпчилик мутахассислар фикрича, ўзгаришларга мойиллик, бугунги кунда ривожланишнинг ҳал қилувчи шарти, у ёки бу таълим муассасасининг рақобат қобилиятини таъминловчи асосий омил деб ҳисобланади.

2. Бугунги кунда мактаб ва олий таълим тизимидаги анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим



Инновация (in-“лик”, novus-“янги”) янгилик киритиш, янгилик деган маънони англатади.

муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб келмоқда.

“Инновацион таълим” деганда одатда ўқув жараёнига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. Бундай ўзгартиришлар таълим тизимининг:

– мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимига;

– педагогик фаолиятдаги ўзига хослик ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга;

- таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига;
- ўқув-методик таъминотига;
- тарбиявий ишлар тизимига;
- ўқув режа ва ўқув дастурларига;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига боғлиқ.

Янгилик тарихий аспектда нисбийлик аҳамият касб этади. Янгилик аниқ тарихий характерга эга, яъни ўз вақтидан олдин пайдо бўлиши мумкин, ўз вақтида меъёр бўлиши ёки эскириши ҳам мумкин. Мактаб ёки олий тизимнинг ривожланиш жараёнида, эҳтимол таълим тизими бутунча:

- абсолют янгилиги (ўхшаши, прототипнинг йўқлиги);
- нисбатан янгилиги;
- ўзига хос, ихтирочилиги кўринишидагилар ҳисобга олинади.

Янгилик хиллари (типлар) мактаб ва олий тизимда турлича асосларга кўра гуруҳланади:

Биринчи классификация (гуруҳ) янгиликларни киритиш, мактаб ва олий тизимда содир бўладиган педагогик жараёнга алоқадорлиги билан асосланади. Ушбу жараённи тушунишга таяниб, қуйидаги кўринишдаги янгилик хилларини ажратиш мумкин:

- таълим мақсади ва мазмунига;
- педагогик жараён методикаси, вазифалари, усуллари, технологияларга;
- таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари ва воситалари;
- раҳбарият, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятига.

Таълим тизимига иккинчи классификация (гуруҳ) янгиликни киритиш кўлами белгисига асосланади. Бу ерда қуйидаги ўзгаришларни ажратиш мумкин:

- бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаган локал ва алоҳида (бир томонламалилик);
- комплекс, ўзаро бир-бири билан боғлиқ;
- бутун мактаб ва олий тизимни қамраб олувчи, тизимли.

Учинчи классификация (гуруҳ) инновацион имкониятларга қараб амалга

оширилади. Бу ҳолатда эътиборга олинади:

- таълим дастурлари, ўқув режалар, тузилмаларни такомиллаштириш, ихтирочилик, кўринишларни ўзгартириш билан боғлиқ маълум ва қабул қилинганларни модификациялаш;

- комбинаторликка (ўзгартиришлар) хос янгилик киритиш;

- радикал ўзгартиришлар.

Модификация – (лот. *modificatio*, *modus* – ўлчов, кўриниш, *facio* – қилиш) – ташқи муҳит омиллари таъсирида бир хил генотипга эга бўлган организмлар ўртасида вужудга келадиган фенотипик фарқлар.

Янгилик киритишнинг тўртинчи классификацияси (гуруҳ) олдингиларига нисбатан белгиларига асосланиб, гуруҳланади. Бундай ёндашувда янгилик ўрин алмашувчи, бекор қилинувчи ёки очиб берувчиларга қараб белгиланади. Бу ҳолатда мактаб ва олий тизимда янгиланиш манбаи сифатида:

- мамлакат, ҳудуд, шаҳар, туманнинг эҳтиёжи сифатидаги ижтимоий буюртмаси;

- ижтимоий буюртмани ҳудуд ва вилоят аҳамиятига молик қонун ва ҳужжатларда акс этиши;

- инсон тўғрисидаги комплекс фанга эришиш, илғор педагогик тажриба;

- хато ва камчиликларни синашда раҳбар ва ўқитувчиларнинг интуицияси ва ижодкорлиги;

- тажриб-синов ишлари;

- чет эл тажрибалари хизмат қилади.⁸

⁸ К.Турғунбоев, М.Ортиқова “Педагогик инновация асослари” –Андижон. “Андижон нашриёт-матбаа”. 2011 йил.

Интуиция – (лотинча *intutio*-синчиклаб қарайман) – ҳақиқатни далил билан исботламасдан, бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилияти; фикран илғаб олиш (ақлига келиш) йўли билан тажриба доирасидан чиқиш, шахсий қобилияти ёки билиб олинмаган алоқалар, қонуниятларни жонли шаклда умумлаштириш.

3. Мамлакатимизда ривожланиб бораётган инновацион сиёсат таълим олдига муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. 2006 йил июль ойида Санкт-Петербург шаҳрида “Саккизлик гуруҳи” саммитида қабул қилинган “XXI асрда инновацион жамият учун таълим” тўғрисидаги ҳужжат ғояларини йириклаштиришни ҳисобга олишни ва муаммонинг ечимини амалга оширишни талаб этади. Фанни ва инновацияни келажакда ривожлантириш стратегиясида “инновацион инсонни” яратиш, яъни ишлашидан қатъи назар у инновация ва янги билимларга мойил бўлиши керак. Бугунги кунда замонавий инновацион яроқлилиқ юзага келмоқда. Ҳозирги миллий лойиҳалар сайтида “инновацион таълим” ибораси пайдо бўлмоқда ва унда айтилишича инновацион таълим ўқитишни янги билимларни яратиш жараёнида амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу эса бугунги кунда мавжуд “Инновацион таълим технологиялари” тушунчаси билан янги “инновацион таълим” тушунчаларини бир-биридан ажратишни талаб этмоқда.

Таълим соҳаси мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фаол инновацион ҳаракатни бошлади. Маълум босқичда XX аср охирларида бундай ҳаракатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, А.Г.Ривин ва В.К.Дьяченко томонидан ўқитишни жамоавий ўқитиш, Д.Б.Эльконин, В.В.Давыдов, Л.В.Занковлар томонидан илгари сурилган ривож-лантирувчи инновацион таълим тўғрисидаги қарашлар ўз вақтида маълум аҳамият касб этди. Шу билан бирга бошқа инновацион таълим технологиялари: диалектик ўқитиш усуллари (А.И.Гончарук, В.Л.Зарина), ўқитишнинг индивидуал йўналишли усули (А.А.Ярулов), “Экология ва диалектика” (Л.В.Тарасов), эвристик ўқитиш (А.В.Хуторской) диалог маданияти (В.С.Библер, С.Ю.Курганов), лойиҳали ўз-ўзини рефлексия (Г.П.Шедровицкая) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган технологиялар ўқитишда ўзлаштиришни юқори

кўтариш, ўқув жараёнида қизиқтиришни, ўқув материални тушунишни яхшилашни, функционал саводхонликни шакллантиришни, лойиҳали саводхонликни, назарий тафаккурни, экологик ва иқтисодий тафаккурни, коммуникативликни, ижтимоий фаолликни, фуқаролик онгини, ўз-ўзини англаш ва бошқа вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган эди.

Ҳозирда фаолиятнинг бошқа соҳалари, жумладан, ишлаб чиқаришда ривожланишнинг инновацион йўлига ўтилгач, таълим соҳаси уларга фақат етакчиларни тайёрлаш функциясини бажарди. Лекин аслида эса бошқача кўриниш кўзга ташланади. Илгари жамият учун унча кўп бўлмаган ва мустақил шаклланган инноваторлар етарли эди. Юқорида санаб ўтилган таълим технологиялари учун инноватор-лар фақат ўқитувчилар эди ва уларнинг инновациялари ўқувчиларда зарурий сифатларни шаклланишига йўналтирилган бўлиб, инновацион тафаккур ва қобилиятни инновацион фаолиятга йўналтиришга эътибор қаратилмаган. Билдирилган фикрлар “инновацион таълим технологиялари” ва “инновацион таълим” тушунчаларини қуйидаги тарзда ажратиб, алоҳида қараб чиқишни талаб этади:

✓ инновацион таълим технологиялари ва дастурлари – бу барча таълим технологиялари, яратувчи ва уларни ривожлантирувчи ўқитувчи инновацион фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

✓ инновацион таълим – бу шундай инновацион таълим технологиялари ва дастурларики, унда ўқитувчи инновацион фаолияти натижаси бўлиб, ўқитилаётганлар инновацион ғояларини яратувчиси (генерация) ҳисобланади;

✓ ишлаб чиқаришнинг моноинновационлиги (мутахассислар инновацияси) таълимнинг моноинновацион - (педагог инновацияси) эмаслигига тўғри келади, унинг инновациялиги, педагог инновациялиги, уларнинг оқибати, ўқитилаётганларнинг инновациясидир.

Моно... (юн. monos – бир, якка, ягона) –ўзлашма, қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, маъносига кўра, “бир”, “ягона”, “ёлғиз” сўзларига тўғри келади.

Бу ўринда масаланинг долзарблиги мавжуд “моно”инновацион таълим технологияларини тўла инновацион ҳолатигача ривожлантиришдан иборат. Булар бир қатор чет эл ўқувчилари мисолида улар томонидан яратилган тажрибалар, ихтиролар мисолида ўз амалий исботи билан тасдиқланган. Бу ўринда замонавий фан ютуқлари асосида кучли, иқтидорли тафаккур орқали амалга оширилишини, яъни ихтироли масалаларни ҳал этиш назарияси

ИМЕН - ишлаб чиқаришни, янги техник фикрларни аниқ фанга айлантиради, ихтироли масалаларни ечишга ёрдам беради. ИМЕН таълимда эскиликлардан воз кечишдир. ИМЕН элементларидан фақат техник соҳаларда эмас, балки таълим-тарбия, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин.

ИМЕН йўли билан ҳал этиш мумкинлиги исботланган. Бир қатор ривожланган мамлакатлар илмий лабораторияларида ИМЕН-педагогикага “билимларни ихтиро қилиш” деб номланган янги метод яратилди. ИМЕНнинг интеграция асослари энг кўп тарқалган барча инновацион педагогик технологиялар билан биргаликда ишлаб чиқилди. Бунинг қўшимча самараси – турли педагогик технологияларни амалий диалектика тилида ёзиб чиқиш имконини беради.

4. Дунёдаги глобал ўзгаришлар жараёни, мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий–маданий соҳалардаги ўзгаришлар, таълим тизимида тайёрланаётган мутахассисларга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Педагогик таълим соҳасида 80-90 йилларда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими ягона ва яхлит тизим сифатида инновацион хусусият касб этиб, қуйидаги жараёнларга эътиборни қаратганини кўрамыз:

– таълим алоҳидалиги (дестентрализация) маълум ҳудудларда ушбу соҳани мустақил ривожлантириш ва маълум мутахассисларга “буюртма портфели”ни шакллантириш имконини берди;

– олий ўқув юртларини демократлаштириш, педагогик жараёни ташкил этишнинг шакл, восита ва шартларини белгилашда мустақилликни таъминловчи имкониятни берди;

– умумтаълим муассасаларини типларига мувофиқ тарзда ўқитувчи учун ўзининг педагогик фаолиятини лойиҳалаш ва ўқувчиларни ривожлантириш воситаси сифатида ўзи ўқитадиган фандан фойдаланишда эркинлик бериш ва бу борада умумтаълим мактабларининг эҳтиёжини ҳисобга олиш учун имкониятлар берди;

– олинаётган педагогик таълим мазмуни ва даражасини танлаш имконини қамраб олувчи индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишга мўлжалланган ўқувчининг шахсий қизиқишларини қониқтириш заруратини кўзда тутди;

– турли даражадаги имкониятлар асосида қисқа муддат ичида профессионал таълим берувчи мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

Юқорида айтиб ўтилган жараёнлар маълум даврларда кучли таъсир этилган бўлсада, бу ўринда анъанавий тарзда кадрлар тайёрлашга нисбатан инновацион жараёнлар ўртасида маълум диалектик ўзаро боғлиқлик мавжудлигини эътироф этган ҳолда, анъанавий ва инновацион таълимнинг ҳар бирини ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратмасдан бўлмайди. Анъанавий педагогик таълим мазмуни ва ташкил этиши жиҳатидан аниқ ўқув фани бўйича мутахассис ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган. Касбий-педагогик тайёргарликдаги анъанавий тизимда, фаолиятли ёндашув асосида ўқув-тарбиявий жараён ётади ва бу жараёнда иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар “субъект-объект” тарзида йўлга қўйилган. Бу ерда субъект-ўқитувчи маълум чегараланган шароитда бўлиб, унинг фаолиятини ўқув режа ва ўқув дастури бошқаради ҳамда муносабатлар қатъий белгилаб қўйилган. Объект-талаба маълум даражадаги билим ҳажми билан чегараланган.

Анъанавий таълим мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқ автоном фаолият билан белгиланган: ўқитувчини ўқитиш фаолияти ва талабани ўқув-билиш фаолияти; ўқиётган талаба ўқитувчи режасининг ижрочиси ва бошқарув

объекти бўлиб фаолият кўрсатади.

Анъанавийликдаги ўқув жараёнида ўзаро фаолият тақлид қилиш, имитация, андоза бўйича фаолият кўрсатиш, ижтимоий ва шахслараро таъсирнинг бир хилдалиги, ташқи назорат ва натижани баҳолаш, буларнинг барчаси билиш мотивларини қисқартириш, билиш мотивларини кенгайтиришга имкон бермайди.

Педагогик инновацияларни танлашда амалий иш олиб боровчи «Педагогик технологиялар маркази»:

- маълумотнинг йўналишини аниқлайди;
- жорий қилиш ва қўллашда илмий-методик жиҳатдан ёрдам беради;
- методик қўлланма, дастур ва методик тавсияларни нашрга тайёрлайди ва педагогик матбуотга узатади;
- рейтинг тизими, ўқувчиларни мактабгача тайёрлаш, Давлат таълим стандартларини жорий қилишдаги илғор тажрибалар мажмуасини яратади;
- хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги тажрибаларни ўрганади, таққослайди ва тавсиялар тайёрлайди;
- амалиётга татбиқ қилувчиларни ўқитади, малакасини оширади, тажриба алмашув ишларини ташкил қилади;
- педагогика соҳасидаги олимлар, илмий изланувчилар билан ҳамкорлик ишларини олиб боради;
- инновацияларнинг қўлланилишини динамик равишда кузатиб боради;
- инновацияга оид Республика илмий-амалий кенгашлар, йиғилишлар ва конференциялар ўтказиши;
- малака ошириш институтлари, туман методика ва мактаб педагогик

кенгашларини янги ахборотлар билан таъминлаб боради.⁹

Педагогик инновацияларни қўллаш билан уни тўплаб, илмий жиҳатдан хулосалар тайёрловчи бўғин ўртасидаги «Педагогик матбуот» асосан нашр ишлари, оммалаштириш, кенг педагогик жамоалар, илмий-педагогик ходимларга уларни етказиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини олиш, тажриба-синов хулосалари асосида инновацияларни янада такомиллаштириш ишлари билан шуғулланади. Ўйлаймизки, таълим технологияси ва педагогик инновацияларга бундай тизимли ёндашув Давлат таълим стандартларини амалга оширишда ўз самарасини кўрсатади.

⁹ К.Турғунбоев, М.Ортиқова “Педагогик инновация асослари” –Андижон. “Андижон нашриёт-матбаа”. 2011 йил.

3. Бошланғич таълим ўқиш дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати.

Бугунги кунда бошланғич таълим ўқиш дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолатини ўрганиб таҳлил қилиб чиқдик. Тажриба синф жараёнида мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилардан анкета-сўровномалар олдик. Саволлар қуйидаги тартибда тузилган бўлиб, ўқитувчилар саволларга қуйидаги тарзда жавоб бердилар.

1. Сизнинг фикрингизча бошланғич синф ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш мумкинми? Деган саволга 70% ўқитувчи ҳа, қўллаш мумкин деган, 20% ўқитувчи қўллаш мумкин эмас, 10% ўқитувчи билмайман деган жавоб берди.
2. Педагогик технологияларнинг инновацион педагогик технологиялардан фарқи борми? деган саволингизга 60% ўқитувчи ҳа фарқи бор, фарқи лойихалаштириб янгилик киритишда, 30% ўқитувчи йўқ фарқли жиҳатларини кўрмадим, 10% ўқитувчи билмайман, фарқи ҳақида ўйлаб кўрмаганман деган жавоб қилди.
3. Сиз дарсда қўллаётган ҳамма технология самара бераяптими? деган саволимизга 70% ўқитувчи ҳа, самара бераяпти, ўқувчининг қизиқиши, билимларни ўзлаштиришга бўлган интилиш орگانлигини, 20% ўқитувчи йўқ ҳаммаси ҳам самара бераяпти деб ўйламайман, 10% ўқитувчи билмайман бу ҳолда қизиқиб кўрмаган эканман деган жавобни берди.
4. “Кластер”, “Б,Б,Б” усуллари ўқиш дарсида яхши самара бераяпти деб ўйлайсизми? деган саволга 80% ўқитувчи ҳа самара бераяпти, ўқувчилар бу усуллар орқали мустақил фикрлаши ортмоқда, бу усул мавзунини ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш, мавзунини тармоқларга бўлиб ўрганиш, умумлаштириш ҳамда тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди, 10% ўқитувчи йўқ ҳар доим ҳам

самара бермайди, 10% ўқитувчи дарсда қўллайман, лекин таҳлил қилиб кўрмаган эканман деган жавоб берди.

5. Ўқиш дарсида ўқувчининг ўқишдаги мувоффақияти нималарга боғлиқ? Сиз ҳам ақл-идрокка, қизиқиш, ўқитиш сифатига боғлиқ деб ўйлайсизми? Деган саволга 80% ўқитувчи ҳа, ҳаммасига боғлиқ, 10% ўқитувчи йўқ ҳамасига эмас фақат ақл-идрокига, 10% ўқитувчи билмайман деган жавоб берди.
6. Сизнингча, синфдан ташқари машғулотларда ҳам педагогик технологияларни қўллаш мумкинми? деган саволимизга 70% ўқитувчи қўллаш мумкин, 10% ўқитувчи йўқ қўллаш мумкин деб ўйлайман, 20% ўқитувчи билмайман қўллаб кўрмаганман деган жавобни берди.
7. Дарсда ўқувчиларнинг ўқув меҳнати фаолиятини тиклаш, чарчоғини ёйиш, кайфиятини кўтариш учун турли педагогик ўйинлардан фойдаланасизми? деган саволимизга 60% ўқитувчи фойдаланаман, бу усуллар ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишининг ортишига олиб келади, 20% ўқитувчи йўқ бу усул фақат вақтни олади, мавзудан ўқувчини чалғитади, 20% ўқитувчи билмайман қўллаб кўрганимча йўқ деган жавобни берди.
8. Ҳар қандай инновацион педагогик технологияни ҳам бошланғич синфларда қўллаш мумкинми? деган саволга 40% ўқитувчи ҳа қўллаш мумкин, фақат ўқувчи ёшига мослаштирилса, 40% ўқитувчи йўқ ҳамма технология ҳам бошланғич синфларга мос эмас, 20% ўқитувчи билмайман, тўғри келган технологиядан фойдаланиб кетайвераман деган жавоблар берди.
9. Анъанавий дарсни ўтиш қулайми ёки педагогик технологияга асосланган дарсними? Деган саволга 40% ўқитувчи анъанавий дарс ўтиш қулай эканлигини, 30% ўқитувчи педагогик технология асосида дарс ўтиш қулай эканлигини, 30% эса эккалсаини ҳам қўллаб натижага эришиш мумкин деган жавобни беришди.

10. Инновацион технологиялар дарс самарадорлигини оширишига бишонасизми? Деган саволимизга 50% ўқитувчи ҳа, 10% ўқитувчи йўқ, 40% ўқитувчи дарсда инновацион технологияларни қўллаб кўрмаганлигини таъкидлашди.

Ўтказилган саволномамизни жадвал кўринишига келтириб фоиз кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқамиз.

№	САВОЛЛАР	Ўқитувчининг фикр кўрсаткичлари		
		ҲА	ЙЎҚ	БИЛМАЙМАН
1	Сизнинг фикрингизча бошланғич синф ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш мумкинми?	70%	20%	10%
2	Педагогик технологияларнинг инновацион педагогик технологиялардан фарқи борми?	60%	30%	10%
3	Сиз дарсда қўллаётган ҳамма технология самара бераяптими?	70%	20%	10%
4	“Кластер”, “Б,Б,Б” усуллари ўқиш дарсида яхши самара бераяпти деб ўйлайсизми?	80%	10%	10%
5	Ўқиш дарсида ўқувчининг ўқишдаги мувоффақияти нималарга боғлиқ?	80%	10%	10%
6	Сизнингча, синфдан ташқари машғулотларда ҳам педагогик технологияларни қўллаш мумкинми?	70%	10%	20%
7	Дарсда ўқувчиларнинг ўқув	60%	20%	20%

	меҳнати фаолиятини тиклаш, чарчоғини ёйиш, кайфиятини кўтариш учун турли педагогик ўйинлардан фойдаланасизми?			
8	Ҳар қандай инновацион педагогик технологияни ҳам бошланғич синфларда қўллаш мумкинми?	40%	40%	20%
9	Анъанавий дарсни ўтиш қулайми ёки педагогик технологияга асосланган дарсними?	40	30	30
10	Инновацион технологиялар дарс самарадорлигини оширишига бишонасизми?	50	10	40
	100%	62%	23%	15%

Бу каби очик ва ёпиқ саволлардан шуни билиш мумкинки бошланғич синфларда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш юзасидан ўқитувчиларга тавсиялар бериш лозим экан. Бошланғич синф ўқитувчиларига ўқиш дарсларида фойдаланиши мумкин бўлган инновацион технологиялардан намуналар келтирамиз.

Инсерт жадвали

График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари

“ИНСЕРТ” жадвали

Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёни тузилмаси

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари тўлдирадилар.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ:

“V” - мен билган маълумотларга мос;

“-” - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

Инсерт жадвали

V	+	-	?

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Тоифали шархлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий ҳужум / кластер тузиш/ янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Ҳолатларни / маълумотларни тоифага мос равишда бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Иш натижаларининг тақдими

12

Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

ВЕННА ДИАГРАММАСИ

ВЕННА ДИАГРАММАСИ - 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Диаграмма Венна тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурҳларда диаграмма Веннани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (x) тўлдирадилар

Жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар

Доираларни кесишувчи жойида, икки/уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.

19

T – жадвал

T – жадвал қоидалари танишилади. Якка тартибда расмийлаштирилади

T – жадвал
- бита концепция (маълумот)нинг жиҳати ўзаро солиштириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) учун. Танқидий мушоҳада ривожлантиради

Ажратилган вақт оралиғида тартибда (жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар.

Жадваллар жуфтликда (гурҳда) таққосланиши тўлдирилиши

Барча ўқув гурҳи ягона T – тузади.


“Нима учун” схемаси

“Нима учун” схемаси-
муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

“Нима учун” схемасини тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда муаммони ифодалядилар. “Нима учун” сўроғини берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом этади.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослядилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти



«Нима учун?» чизмасини тузиш қоидалари

1. Айлана ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишни ўзингиз танляйсиз.
2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжирини тўғри чизиклими, тўғри чизикли эмаслигини ўзингиз танляйсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингизни: дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгиляйди.

“Балиқ скелети” чизмаси

“Балиқ скелети” чизмаси

Бир катор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда юқори “суягида” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

I-Бобга хулоса.

Хулоса қилиб айтганда шахснинг камол топиши ўз мавқеини ангаши ва ўзини кўрсатиш масалалари биринчи ўринда турар экан. Бу масала бутун жамият ва махсус яратилган институтлар ва инсонинг ўзи томонидан тасодифий равишда ҳам мақсадга мувофиқ йўсинда ҳал қилиниши лозим. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёни тизимининг тузилиши анашу жараёнининг мазмуни ўқитувчилар ва ўқувчиларининг фаолияти, шунингдек амалга оширилган ишларнинг натижаси мазкур тизим жамиятнинг қандай тарихий жараёнига мансублигига боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Шунга кўра таълим жараёнининг асосий натижаларини ақлий, ҳуқуқий, фуқаролик, коммуникатив, ахборотли ва тафаккурнинг бошқа йўналишларида чуқур маҳоратга эга бўлиш имконини бериш керак. Бунинг учун жойларда ўқитувчилар билан ўтказилган мулоқотлар шундан далолат берадики, уларнинг аксарияти замонавий педагогик технологияларни бир томонлама англайдилар, кўпинча уни янги методик жараён деб ҳисоблар экан.

Тўғри таълим технологиясида ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлашга катта имкониятлар яратилган. Педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш масаласининг бир томони холос. Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, дарс жараёнини оқилона ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ортириб уларнинг таълим жараёнида фаоллигини мутассил ривожлантириб турилиши ўқув мавзусини кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда “Баҳс-мунозара”, “Ақлий хужум”, “Музёрап”, “Тармоқлаш”, “Балиқ склети”, “Нима учун”, “Тойифалаш”, “Венн диаграмма” усулларида оқилона фойдаланиш замон талабига айланиб бормокда.

Инновацион технологияларни дарс жараёнида қўллаш, уни тўплаб, илмий жиҳатдан хулосалар тайёрлаш, оммалаштириш, кенг педагогик жамоалар, илмий педагогик ходимларга уларни етказиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини тинглаш, тажриба-синов хулосалари асосида инновацияларни қўллаш ва янада такомиллаштириш ишлари билан шуғулланиш таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

**П.БОб. Бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлигини оширишда
инавацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг шакл ва
усуллари.**

**1. Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини таъминловчи
“Кластер”, “Б,Б,Б” усулларида фойдаланиш.**

Ўқиш дарсларига қўйилган замонавий талаблар ўқитувчидан бошланғич синф ўқувчиларини ўқишга жалб қилиш, бадиий адабиётни санъатнинг бир тури сифатида қарашга, асарларнинг бадиий мазмунини, эстетик аҳамиятини ва образлар мазмунини тушунишига эътибор қаратиш талаб этилади. Таълимнинг анъанавий тизимидан фарқли равишда инновацион технологиялар асосида ўқиш дарсларининг унинг ҳар бир этапида ўқувчининг фаоллигига асосланган мустақил фаолияти, ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнига тўлиқ жалб этиш ётади.

Инновацион педагогик технологияга асосланган дарсларнинг анъанавий дарслардан фарқи шуки, бу дарсда ўқувчига эркинлик муҳитини яратиб бериб, унга ўз фикрини эркин баён этишга имкон яратиб беришдир. Бу имконият қандай яратилади? Ўқувчига ҳеч қандай тазйиқ ўтказмасдан, уни шахсиятига тегмасдан саволлар бериш орқали дўстона муносабатдаги ўқув муҳити яратилади. Педагогик технологияга асосланган таълим жараёнининг энг муҳим «ядриси» деб ҳисобланган қисми – дарснинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир дарсни қоидалар ишлаб чиқишдан бошлаш таълим жараёнининг сермахсул, тартибли ўтишига кўмак беради. Дарснинг мазкур босқичида ўқувчиларни ғоялар ва таклифлар билан чиқишга чорлаш ва шу вақтнинг ўзида барча ғоя ҳамда таклифларни ёзиб бориш лозим. Иложи борича қисқа ва тушунарли тарзда ёзиб қўйилган қоидалар ўқувчилар томонидан (ўқитувчи ёрдамида) изоҳланади. Доскага, шу босқич учун қуйидаги қоидаларни ёзиб қўйиш мумкин:

• **ТАНҚИД ҚИЛМАНГ ВА БАҲОЛАМАНГ** (ҳеч бир иштирокчи бошқалар фикрини муҳокама қилмаслиги, баҳо бериши ёки танқид қилиши мумкин эмас);

• **НОТЎҒРИ ЖАВОБЛАР БЎЛМАЙДИ** (хато қилишдан кўрқманг);

• **ЎЗГАРТИРИНГ, ЯХШИЛАНГ, АСОСЛАНГ** (бошқалар фикрига ўзгартиришлар киритинг, кўшимча қилинг. Фикрингизни асосланг);

• **ЎЗИНГИЗНИ ХОТИРЖАМ ТУТИНГ, ИШТИРОК ЭТИНГ ВА РОҲАТЛАНИНГ** (Ўзаро ёрдам ва дўстона мусобақа муҳити яратилади).

Таълим жараёнида агар зурурат туғилса, йўналтириш ва рағбатлантириш учун, фасилитатор сифатида, қоидалар ва фикрлар тўғрисида ўқувчиларга эслатиб туриш лозим.

Инновацион технология таълим тизимининг рационал йўллари ишлаб чиқарувчи жараён бўлиб, унда ўқитувчи асосий маъсул шахс ҳисобланади. Чунки унинг асосий вазифаси ахборотни ўқувчиларга тез, аниқ ва тушунарли тарзда етказиб беришидан иборатдир. Ўқувчиларни янгиликларни қабул қилишлари ва бунга мойилликлари ҳамда феъл-атвори ҳар-хил бўлишига қарамай ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиши лозим. Таълим тизимида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар ўқувчиларга янги билим, кўникма ва малакаларини бериш билан бир қаторда, ёшларимизни ўзига ва бошқа инсонларга, жамиятга, давлатга, табиатга нисбатан ўзгаришини, ватанпарварлик ғояларини онгига ва қалбига сингдиришини ҳам кўзда тутди. Ушбу жараён халқимизнинг бой маънавий меъроси, анъана ва удумларини ўқувчи қалбига сингдириш орқали амалга оширилади. Мумтоз адабиёт вақиллари томонидан яратилган, миллий қадриятларимиз акс эттирилган асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали ҳам юқоридаги мақсадни амалга ошириш мумкин. Лекин мазкур асарлар тили ҳамма ўқувчилар учун ҳам бирдек тушунарли эмаслиги сабабли, асар матни устида ишлаш жараёни бир мунча мураккаб ва зерикарли кечади. Бу ҳолат таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Қуйида мумтоз асарлар

матни устида ишлашнинг таълим технологиясининг методологик сифатлари(технологик схема, илмий асос, тизимлилик, бошқарувчанлик, самарадорлик ва кенг кўламлилик)га асосланган бир неча усуллари кўрсатилган.¹⁰

Ҳамкорликда ўқитиш

Ҳамкорликда ўқитиш – бу, турли кичик гуруҳлардаги инструктаж ва интерфаол жараёнларни аниқловчи оммалашган иборадир. Ўқувчилар ҳамкорликда академик топшириқлар устида, кичик гуруҳларда ишлашади ва ўзларига ҳамда ўз гуруҳларидаги ўртоқларига биргаликда ёрдам беришади. Умуман, ҳамкорликда ўқитиш методлари қуйидаги беш хусусиятга эга:

1. Ўқувчилар биргаликда, умумий топшириқ ёки ўқитилаётган фаолият устида ишлашади, бу, гуруҳий иш орқали яхши ўзлаштирилади.

2. 2-5 аъзо таркибидан иборат, ўқувчилар кичик гуруҳларда биргаликда ишлашади.

3. Ўқувчилар умумий вазифаларни ечимини топишга эришиш ёки ўрганиш фаолиятини ўтказиш учун, кооператив ва ижтимоий қабўл қилинган ҳуқ-атворни ишлатишади.

4. Ўқувчилар ижобий ва мустақил бўлишади. Умумий вазифаларни ечимини топишга эришиш ёки ўрганиш фаолиятини ўтказишда, ўқувчиларнинг бир-бирларига, кўмак талаб этилиши ҳисобга олиниб, иш тузилган бўлади.

5. Ўқувчилар ўз ишлари натижасига ёки бошқача айтганда, ўқишга, таълим олишга, шахсан маъсулиятли ва жавобгардирлар.

Ҳамкорликда ўқитиш нима учун керак?

Ҳамкорликда ўқитиш, ўқувчининг ўрганиш жараёнини бойитади:

¹⁰ Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимда инновация. -Т.: 2007.

- Ўқувчилар, ўртасида бўлинган, когнитив ахборотлар тўпламини беради
- Ўқувчиларда, материални ўрганишларида иштиёқ уйғотади
- Ўқувчиларнинг, ўз шахсий билимларини шакллантиришда қўлланади
- Қайта ахборотни узатади
- Синфдан ташқари эришиладиган муваффақиятга зарурий ижтимоий ва гуруҳий билимлар ривожлантирилади
- Турли хил маданият ва ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар ўртасида ижобий ўзаро ҳаракатни олдинга суради.

Қуйида ҳамкорликда ўқитишнинг техникаси ва тизимлари ҳақида маълумот бериб ўтишга ҳаракат қилдик.

Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим

Бу усул ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди, билимларни ўзлаштиришга масъулият ва қизиқишни тарбиялайди. 4-синф ўқиш дарсида бу методдан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

Бунинг учун ўқитувчи хаттактани уч қисмга бўлади. Биринчи қисмига «Биламан», иккинчи қисмига «Билишни хоҳлайман», учинчи қисмига «Билиб олдим» деб ёзади. Кейин ўқувчиларга мурожаат қилиб, ким «Инсоннинг эзгу фазилятлари» (ўқувчиларга хос бўлган) ҳақида нима билишини сўрайди ва ўқувчилар фикрини «Биламан» устунига ёзади. Синфда фикрлар тугагандан кейин ўқувчиларга яна мурожаат қилиб, «Инсоннинг эзгу фазилятлари» ҳақида яна нималар билишни хоҳлашларини сўрайди. Ўқувчилар берган саволларни хаттактанинг «Билишни хоҳлайман» қисмига ёзади. Ўқувчилар саволлари тугагандан кейин ўқитувчи «Инсоннинг эзгу фазилятлари» ҳақида маълумотлар ёзилган, олдиндан тайёрланган матнларни ўқувчиларга тарқатиб чиқади. Ўқувчилар матнлар билан танишиб чиққанларидан кейин фикрлашга ўтадилар, янги маълумотларни бир-бирлари билан ўртоқлашадилар. Ўқитувчи

Ўқувчилардан «Инсоннинг эзгу фазилатлари» ҳақида яна қандай янги маълумотларга эга бўлишганликларини сўрайди ва «Билиб олдим» устунига ёзади. Кейин учала устунни умумлаштириб, биргаликда хулоса қилинади.

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Сахийлик, ўзаро ҳурмат, хушмуомалалик, хушфеъллик, билимдонлик, тўғрисўзлик, дўстлик.	Инсонларда яна қандай эзгу фазилатлари бор.	Яхши ном, донолик, яхшилик қилиш, билимли бўлиш, ширин каломлилиқ, хунарли бўлиш.

2.Синфдан ташқари ўқишда педагогик технологияларни қўллаш шакллари.

Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқишга кичик ёшдаги ўқувчиларни она тилини пухта ўзлаштиришга тайёрлашнинг ажралмас қисми, таълим жараёнида уларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида қаралади. Синфдан ташқари ўқишнинг мақсади кичик ёшдаги ўқувчиларни болалар адабиёти ва халқ оғзаки ижодининг хилма-хил намуналари билан таништириш, уларда китобхонлик маданиятини тиклашдан иборатдир.

Синфдан ташқари ўқиш дастурининг мазмунига кўра таълимнинг ҳар бир босқичида икки-асосий бўлимга ажратилади.

1-босқичда ўқиш доираси, яъни ўқитиладиган китоблар ва уларни қайси тартибда ўқиш билан таништириш юзасидан ўқувчиларга кўрсатма берилади.

2-босқичда шу ўқув материаллари асосида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат стандартлари ва ўқув дастурига кўра 1-синфда синфдан ташқари ўқиш машғулотларида савод ўргатиш дарсларида ҳосил қилинган кўникма ва малакалар асосида болаларнинг она ватан, истиклол, миллий қадриятлар ҳақидаги тасаввурлари кенгайтирилади, бойитилади.

Синфдан ташқари ўқиш 1-синфда ҳафтада 1 марта савод ўргатиш дарсларининг 20 дақиқасида болалар бадиий адабиёти билан таништирилади. Мақсад кичик ёшдаги болаларда китобга меҳр уйғотиш, мустақил ўқувларини пайдо қилишдир. Асосан бу синф ўқувчиларига китоб билан муамола қилиш, китоб ўқиш қолидлари, китобни асраш, асар қўрамларининг ҳатти-ҳаракатларини кузатиш, ижобий тамонларни ўргатиш, образли қилиб қайта ҳикоя қилиб бериш, билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдир. Бу синф ўқувчилари учун асосан расмларга бой китоблар олинади. Ўқитувчи болаларнинг ҳис-туйғуларини ўстирадиган китобларни ўқиб бериш орқали

мустақил мамлакатимиз, унинг гўзал шаҳарлари, қишлоқлари, миллий урф-одатлари, кадриятлари, ўтмиши, инсонларнинг орзу-истаклари билан таништиради. Уларда билимга ҳавас уйғотади.

2-синфда ўқувчилар кичик ҳажмдаги асарларни ўқитувчининг ёрдами ва топшириги асосида мустақил ўқишга ўтадилар. Бу синфда 2 ҳафтада бир марта синфдан ташқари ўқиш дарлари ўтказилади. Она-Ватан ва ота-боболар жасорати, ўсимликлар, қушлар ҳамда ҳайвонлар ҳақидаги асарларини ўқитувчи топиб, танлаб ўқувчиларга ўқиш учун тавсия қилади.

3 ва 4-синфларда синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун кишиларнинг ҳаёти, ёрқин тасвирлардан, уларнинг маънавий-ахлоқий турмуш тарзи акс эттирилган бадий ва илмий-оммабоп асарлар тавсия этилади. 3-4 синфларда синфдан ташқари ўқиш дарслари икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Бу синфларда ўқитувчи синф кутубхонасида керакли бўлган ўқувчилар ёшига мос китобларни ўқиш дарслари икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Бу синфларда ўқитувчи синф кутубхонасига керакли бўлган ўқувчилар ёшига мос китобларни тўплашни давом эттиради. Синфдан ташқари ўқиш бурчаги турлича безатиши мумкин. Бунда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликда иш олиб борадилар. Бадий ва илмий-оммабоп асарлар мустақил равишда ва изчил ўқиб борилсагина, ўқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтиришга, шакллантиришга хизмат қилади.

Синфдан ташқари ўқиш болаларда эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат уйғотиш, боғланишли нутқни ўстириш, адабий-эстетик тафаккурларни юксалтиришга хизмат қилади. Болалар адабиёти аввало ўзининг қизиқарли мазмуни, бадий образларнинг гўзаллиги, тилнинг ифодалилиги, шеърий сўзларнинг мусиқавийлиги билан болаларга қувонч бахш этади. Айни вақтда у болаларга тарбиявий таъсир ҳам кўрсатади. Болалар адабиёти ўқувчиларга жонажон ўлка, табиятини, кишиларнинг меҳнати, ҳаёти, уларнинг қилаётган ишлари ва кўрсатаётган қаҳрамонликлари, болалар ҳаётидан олинган воқеликни, болаларнинг ўйинларини тушунишга ўргатади.

Халқимизнинг тарихи, унинг урф одатлари, моддий ва маънавий бойликлари, барча орзу истаклари йиллар давомида яратилган эртақларда сақланиб келмоқда. Кишилар ўз орзу ҳавасларини ёш авлодларда илдизларида кўришни истайдилар. Шу сабабдан ҳам ўқувчиларга эртақларни ўқишга тавсия қилинади. Эртақ ўқиган болалар қийинчиликни енгишга, ботир, жасур бўлишга интиладилар. Ўқувчилар ер юзидаги барча инсонларнинг мен бир бўлагиман, мен ўз халқимга қилаётган ишларим билан уларга муносиб бўлиб улғайишим керак десаларгина ўз халқини муносиб фарзандлари бўла оладилар. Эртақлар ёш авлодни ана шу руҳда тарбийлайдиган байналминал бадий қуролдир. “Уч оғайни ботирлар”, “Зумрад ва Қиммат”, “Эгри ва Тўғри” каби бир қатор эртақлар ўқувчиларнинг севимли эртақларидир. Ўқувчилар бу эртақлардан киши ўз меҳнатига ишониб яшашни кераклигини, бировнинг бойлигига ҳасад билан қарамаслик керак деган ҳаётий хулосаларни ўқитувчи ёрдамида тушиниб етадилар.

“Ур тўқмоқ” эртагининг бола ҳарактерининг шаклланишида алоҳида ўрни бор: эртақ яхшига-яхши, ёмонга-ёмон бўлиш керак деган муҳим қонидани ўртага ташлайди. Ҳақиқатдан ҳам халқимизнинг “Қайнар хумча”, “Очил дастурхон”ларини зўровонлик билан тортиб оладиган шахсларга нисбатан “Ур тўқмоқ”ларни ишлатиш зарурлигини уқтиради.

Синфдан ташқари ўқиш машғулотлари ўқиш дарслари билан боғлаб олиб борилади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида аввал мавзуга оид бир неча китоб билан танишсалар, сўнгра болаларнинг қизиқишларига яқин ҳар хил муаллифларнинг бир мавзуга доир китобларини мустақил танлаб олишга ўтадилар. Бунга асосан ўқитувчи ўқувчилар билан мактаб кутубхонасига, 3-4-синфлардан бошлаб туман ёки шаҳар кутубхонасига саёҳат уюштириб, болалар адабиёти билан мунтазам таништириб бораради. Шунингдек болалар газета ва журналлари ҳам ўқувчиларга эртақ, ҳикоялар ўқишга ёрдам беради.

Синфдан ташқари ўқиш дарслари, ўқиш самарадорлигини ижобий томонга таъсир қилишнинг энг қулай усулидир. Синфда ва синфдан ташқари ўқиш дарслари бошланғич синфларда ўтиладиган барча предмет

дастурларининг бўлимлари билан бевосита боғлиқ. Ўқиш дарсларида ўтилган мавзулар асосида бадиий китоблар ахтариш, асар қаҳрамонларининг номларини ёзиш, уларни тасвирлаб бериш, ижодий расм ишлаш, фикрни яқунлаш учун мос мақоллар ёд олиш ўқувчини ижод қилишга ундайди.

Ҳар бир синфда синфдан ташқари ўқилган барча асарларни ўқувчиларга мос равишда бирор воқеани сахналаштириш мумкин. Бу боладаги нутқни ривожлантиришга, луғат бойлигини оширишга ёрдам беради. Шунгдек сахналаштирилган асарни томоша қилган ўқувчиларнинг диққатилари ошиб хотираларида сақлаш қобилияти ўсади. Ҳатто сахналаштириш ўқувчини ҳар томонлама йўналтиради, яъни актёрлик қобилиятини ривожлантиради, суҳандонлик, режиссорлик каби касбларда илк тасаввурларни ўргата бошлайди. Асарни сахналаштиришга даврида албатта ўқитувчи раҳбарлик қилади. Ўқувчилар ифодали ўқишлари ўқувчиларда завқ-шавқ уйғотиб китобга, бадиий асарга ҳавас, уни ўқиб ўрганишга интилиш уйғотади. Синфдан ташқари ўқиш дарсларида ўқитувчи ўқувчиларни болалар ёзувчилари ва шоирлар билан таништириб бориши лозим. Қ.Муҳаммадий, П.Мўмин, З.Диёр, А.Обиджон, Худойберди Тўғтабоев, Болтажон Содиков каби ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳар бир мактаб, таълим муассаси ўқувчилар ўртасида турли мавзуларда ижод аҳли бўлган шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиб туришлари керак. Бундай учрашувлар ўқувчиларни ватанни мадҳ қилишга уни севиб ардоқлашга чақиради. Китобни, асарни қандай пайдо бўлишини, уни ҳурмат қилиш, асраб-авайлашни ўргатади. Шундай қилиб бадиий адабиёт, болалар адабиёти воқеликни ҳаққоний акс эттириш, ёрқин образлар яратиш билан болаларда эстетик дид ва ахлоқий сифатларни мужассамлаштиради. Уларда ҳаёт гўзаллигини идрок этишга ўргатади. Сўз санъати бадиий асарда ўз ифодасини топади. Халқ бадиий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги куч-қудрати ва жозибасига қадим замонларданок эътибор бериб келинган. Бадиий сўз халқнинг барча маданий бойликларини абадийлаштирган. Бунинг учун эса ўқувчи албатта оғзаки халқ ижодни яқиндан ўрганиши лозим. Эртақлар-яхшиликка

етақлар деганларидай ўқувчи эртақлар билан танишар экан мард, жасур, ватанпарвар, меҳрибон бўлишга, топишмоқлар ўқир экан, топоғон, билимдон, зукко бўлишга интилади. Шу билан бир қаторда синфдан ташқари ўқиш дарсларини самарадорлигини ўстиришда “Синфдан ташқари ўқиш” бурчагини юритиш жуда катта аҳамиятга эга. Чунки “Синфдан ташқари ўқиш бурчаги турлича безатилиши мумкин. Бу ишлар ўқувчиларнинг педагогик маҳоратига ва ижодкорлигига боғлиқдир. “Синфдан ташқари ўқиш бурчаги” қандай безатилмасин, у ерда топшириқ, расм ва шу кабиларни ишлаб илиб қўйиш учун тахта ёки китоб жавони бўлиши шарт.(150x100) катталиқдаги стенд деворга қистирилиб, унинг тепа қисмига “Синфдан ташқари ўқиш бурчаги” деб ёзуб қўйилади. Ўқувчилар навбатдаги синфдан ташқари ўқиш дарсигача ўқишлари учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати унга жойлаштирилиши мумкин. Масалан: “Дўстлик” мавзусида синфдан ташқари ўқиш бурчаги ташкил қилсак ишни қуйидагича бажарамиз.

Тавсия қилинадиган адабиётлар:	Эртақ асосида чизилган суръатлар ва аппликациялар.
<ol style="list-style-type: none"> 1. “Лайлак билан тулки” Ўзбек халқ эртаги. 2. “Арслон билан ит”. Лев Толстой. 3. “Капалак” Зулфия. Шерлар тўплами. 4. “Ўтинчи йигит билан шер” эртақ. 5. “Кўнгилчан ўтинчи” эртақ. 6. “Асалари билан пашша” эртақ. 	<p>Ўқилган адабиётлар. Ўқувчилар тавсия қиладиган адабиётлар.</p>

Ўқувчилар икки хафта давомида китоблар билан танишадилар. Ўзларига ёддан асар қахрамонларининг расмларини чизадилар, аппликациялар билан

безатилган расмлар ҳам тайёрлашлари мумкин. Хафта якунида ўқиган китоблари асосида сахна кўринишлари тайёрлайдилар, монолог ва диологлар ўйидилар. Савол-жавоб, тест услубларидан фойдаланадилар.

Дарслар жараёнида ўзганган халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, тез айтишлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстиришга эга бўладилар.

Масалан: “Меҳнатсеварлик” мавзусида қуйидаги интерфаол услублардан фойдаланиш мумкин.

Меҳнат-меҳнатнинг.....роҳат	Меҳнат.... келтирар
Хунар-хунарданунар	Ишлаган тишлайди, Ишламаган
Ишлаганинг уйингга, ўрганганинг	Ҳалол меҳнат яхши одат, берар сенга
Ўйигит кишига	Харакатинг эрта бўлса Кўздаўрасан.
Гап билан берма, Иш билан далда бер	Меҳнат берса тўйимли.

Келажагимиз бўлган ёш авлодни миллий қадриятларимизни билган ҳолда ақлан этук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш биз мураббийлар, устозлар зиммасидадир. Шундай экан машаққатли, аммо шарафли касбимизни бажаришда изланувчан ижодкор бўлишимиз зарурдир. Чунки юртбошимиз айтганидек, ”Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”.

Мавзу: Инсон одоби билан.

Дарсинг мақсади: Одоб инсон кўрки эканлиги, одобли бола элга манзур бўлишни бир сўз билан айтганда, одоб хулқ атворлар йиғиндиси эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш ва шу орқали уларни одобсизликдан, ноўрин хатти-ҳаракатлардан ўзларини сақлашга ўргатиш.

Дарсни жиҳозланиши.

1. Алишер Навоийнинг рангли расми.

2. Плакат ва кўргазмалар. Китоб журналлардаги одобли болаларнинг сураглари.

3. Халқ мақолларидан намуналар.

Дарснинг методи: ўйин технологияси.

Дарснинг бориши:

Ўқувчи:

Одоб инсоннинг олий фазилатидир. Хазрат А.Навоий ҳам ўз асарларида шу жумладан “Ҳайратул аброр” достонида одобни тўла тушинтириб беради. Ёши улуғларга самимий ҳурмат-иззат келтириш ҳар кимнинг ҳолатига қараб бўлиши керак. Агар ёш болага илк туриб салом беришса, уни одоб демайдилар. Гадонинг олдида сажда қилиш керак эмас. Унга бир тийин берилса шу қарам бўлади. Болалар Навоий бобомиз ниҳоятда қамтар бўлганлар.

Ҳозир синфдошларингиз Алишернинг одобни билан боғлиқ бир воқеани намоиш қилишади. (Олдиндан тайёрланган 7 нафар, бири Ш.А.Яздий ролида бири Алишер, қолганлари унинг ўртоқлари қиёфасида чиқишади.)

Ўқувчи (изоҳ беради):

А.Навоий 1947 йили Тафт шаҳрида машҳур тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий билан учарашиб қолибди. Шаҳада бир мўсафид хаёлга чўмиб ўтиради. Шу пайт бир тўда (5-6) нафар болалар қувалашиб ўйнай бошлайдилар. Уларни кузатиб ўтилан мўсафид болаларни ёнига қорлайди.

-қани болаларим буёққа келинларчи, болалар мўсафиднинг овозини эшитиб тарқаб кетишади. Фақат 5-6 ёшлар чамасидаги бола қолади. Унинг бошида оқ саллача, эгнида юпқа матодан тикилган ихчам қамзул, оёғида этикча. У югириб келиб, қолларини кўксига қўйганча салом беради.

-Ўғлим отинг недур?-деб сўради мўсафид.

-Алишер-деди бола.

-Мақтабга қатнайсамми?

-қатнайман. куръоннинг таборак суръасигача ўқиганман.

-Мен чақирганимда ўртоқларинг қочиб кетди. Сен эса ҳузуримга келдинг. Сўроқларимга яхши жавоб қилдинг. Шунинг усун сенга раҳмат. Умрнги узок, бошинг омон бўлсин. Олим, фозил бўлибъяхши ўбрўга эришгайсан, - мўйсафид уни дуо қилди.

Бу сахна кўрининшидан кейин бўлиб ўтган воқеалар болалар билан таҳлил қилинади. Алишернинг ёши улуғ кишиларга салом бериши, ўзини тутиш, одобли эканлиги ҳақида уқтирилади.

Шунингдек, инсонга хос одатларидан бири кулги ҳақида ҳам А.Навоийнинг фикрларидан фойдаланиш мумкин.

Ўқувчи: Кулги инсонга хос одатлардан бири, бошқача айтганда, кулги орқали одамнинг қандай эканлигини билиш мумкин. Ҳозир тенгдошларингиз бу ҳақда Навоий ижодидан намуналар келтиради.

1-ўқувчи:

Бўлмас одобсиз кишилар аржуманд,

Паст этар ул хайлини шахси баланд.

Ўқувчи: (изоҳ беради). Ҳар бир кишининг иззат ҳурмати одоби орқали келади.

2-ўқувчи:

Тарки одобдин бири кулгу дурур,

Кулгу одоб таркида белгу дурур.

Ўқитувчи: Адабсизликнинг бир кўриниши ноўрин ва беўхшов кулгидир. Демак, бўлар-бўлмасга иржайиш ёки бўлмасга хўмрайиб юриш инсоннинг зеби-зийнати эмас.

3-ўқувчи:

Ҳаддан ортиқ доғл марғуб эмас,

Ўқитувчи: Ўзга кишилар тўғрисида кичикка шавқатда бўлиши керак. Ўрта кишиларга эса ўртача муомала қилиш лозим дейди. Дарвоқе, болалар Пайғамбаримиз Расулллоҳ Алайҳис Салом Ҳадисда “Кўп кулманг, кўп кулиш дилни ўлдиради” деб насиҳат қилган эканлар.

Энди болажонлар мана бу расмга (А.Навоий портретига ишора қилиб.) қаранглар ундан дандай маъно уқяпсиз?

4-Ўқувчи: Бобомизнинг юзлари тиниқ экан.

5-ўқувчи: Юз-кўзларидан одобли эканликлари билиниб турибди.

Ўқитувчи: Баракалло, жуда ҳам тўғри англадинглар. Демак, биз одобни кўпроқ кимдан ўргансак бўлар экан?

Ўқувчилар: Навоий бобомиздан. Шундан сўнг машғулот яқунланади. Навбатдаги мавзу эълон қилиниб, оқувчиларга одоб-ахлоққа оид 4-5 мақолларни ўрганиб келиш топширилади.

Синфдан ташқари ўқишга раҳбарликнинг асосий формаси махсус синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарслари ҳисобланади. Синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарсининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, синфда ўқишсизлик даражаси дарсларидан принципиал фарқ қилади.

Синфдан ташқари ўқиш дарслари эркин дарс ҳисобланади; бундай махсус дарсларда болаларнинг китобхонлик қизиқишлари, билим доираси, эстетик таассуроти, бадиий образларни идрок этиши, ижоди ривожланади; актив китобхонлар ушун зарур кўникма ва малакалар шаклланади.

Синфдан ташқари ўқиш дарслари ўқувчиларнинг активлигини оширишга қаратилади, шунинг учун уларнинг қурилиши жуда хилма – хил бўлади. Ҳар бир дарс ўқитувчи билан ўқувчининг ижоди ҳисобланади; дарсда қанчалик хилма – хилликка, ҳаётийликка эришилса, ўқитувчи ўз синфида шунчалик катта муваффақиятга эришади. Шуларга қарамай, синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарслари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун маълум талабларга буйсунади.

Ҳар бир дарсда болалар ўқиган китоблар ҳисобга олинади. Улар ўқиган ёки ўқиётган китобларини синфга олиб келиб кўрсатадилар, икки-уч ўқувчи ўқиган китоблари ҳақида қисқача гапириб беради. Ўқитувчи дарсда ўзаро фикр алмашиш ҳолати яратади, дарсдан ташқари вақтда ҳам фикр алмашиш давом этиши мумкин.

Ҳар бир дарсда янги китоблар тавсия қилинади. Тавсия формалари

турлича бўлиб, улар фикр алмашув, китобни кўрсатиб, тўғридан – тўғри тавсия қилиш, синфда кичик тематик ёки авторга тегишли кўргазма ташкил этиш, ўқувчиларни қизиқтириш учун тавсия қилинадиган китобдан бирор паршани ўқиб бериш, расм кўрсатиш, диапозитив ёки паршасини намоиш қилишдан иборат.

Ҳар бир дарсда ўқувчилар ҳикоя, эртак, шеър ўқийдилар; ҳажми кичик асарни яхлит, ҳажми катта булса, икки – уш дарс давомида ўқийдилар, синфдаги барда ўқувчилар ўқиган китобидан бирор парчани ўқиб берадилар. Кўпроқ овоз чиқариб ўқийдилар, бундан ташқари, дарсда ичда ўқишдан ҳам, шеър ёдлашдан ҳам, ролларга бўлиб ўқишдан ҳам фойдаланилади.

Ҳар бир дарсда ўқилган асарни суҳбат, яъни ўқитувчи саволига жавоб бериш, эркин ҳикоялаб таҳлил қилиш элементи бўлади. Эркин ҳикоя қилиш учун савол умумий тарзда берилади: «Сенга нималар жуда ҳам ёқди?», «Бу китоб ҳақида сен нималарни айта оласан?» каби. Таҳлил жараёнида болаларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга тегишли ўринларга алоҳида аҳамият берилади.

Ҳар бир дарсда маълум бир янги китобхонлик кўникмаси ҳосил қилади: автор ҳақида маълумот топиш, китоб номига қараб нима ҳақида эканини билиш, кўргазма тузиш, китоб ҳақида тақриз ёзиш ёки китобхон кундалиги юритиш каби.

Синфдан ташқари ўқи дарсларида традицион ишсизлик даражаси приёмлари (қайта ҳикоялаш, луғат иши, суҳбат каби) дан зарур ўринлардагина фойдаланиш тавсия этилади, луғат иши бундай дарсларда ёрдамши роль ўйнайди: айрим қийин сўзлар тушунтирилади, ўқувчилар диққати эсда сақлаб қолиш лозим бўлган аниқ, қулай нутқ оборотларига қаратилади. Барша қийин сўзларни тушунтириш имкони бўлгани учун болалар тегишли бет тагида берилган айрим сўзлар изоҳини ўқишга ўргатилади.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларида қайта ҳикоя қилишнинг қискартиб қайта ҳикоялаш, ўқувчига ёққан ўрнини қайта ҳикоялаш (танлаб қайта

ҳикоялаш) турларидан, инсценировка қилишдан фойдаланилади. Синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси қайта ҳикоялашнинг ижодий формалари бўлган ўқилганларга сўз билан ёки график расм шизиш, аппликатсия, адабий – музикали композитсия, расмлар, портретлар, диафильмлардан фойдаланишга шароит яратади. Ўқилганлар асосида иншо, газетага мақола ёзиш каби ижодий ишлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларида суҳбат ўқилган китобни муҳокама қилишда ҳам, янги китоб тавсия қилишда ҳам қўлланади; суҳбат элементлари ўқилган асардан асосий мазмунни ажратиш учун, воқеалар изшиллигини, бўлган вақти ва ўрнини, боғланишини белгилашга ёрдам беради. Суҳбат учун савол тузишда ўқувчиларнинг мустақиллиги, ҳаётдан, ўқилган бошқа китоблардан қўшимча жавоб бериши ҳисобга олинади.

Бошқа дарслардаги каби, бундай дарсларда ҳам кириш суҳбати, умумлаштирувчи, яқунловчи суҳбатлар бўлади. Кўпгина синфдан ташқари ўқиш дарслари умумлаштирувчи, яқунловчи суҳбатлар бўлади. Кўпгина синфдан ташқари ўқиш дарслари умумлаштирувчи дарслар каби қурилади. Масалан, «Ватан ҳақидаги китоблар» мавзусидаги синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарси умумлаштирувчи дарс каби уюштирилади. Одатда, бундай дарсларнинг қурилишида умумлаштириш элементлари бўлади. Методик воситаларни танлаш, дарс қурилиши (асосий мазмунни ажратиш, таққослаш, хулосалаш, қўшимша материални қўшишни талаб қиладиган саволлар каби) умумлаштиришнинг вазифасини белгилайди. Умумлаштиришга кўргазма ҳам, албом тузиш ҳам, расмларни татбиқ этиш ҳам ёрдам беради.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларида қизиқарли машқларга алоҳида ўрин берилади. Бундай дарсларда адабий викторина (бир мавзу устида савол-жавоб ўйини), энг яхши иншолар, иллюстрациялар, топишмоқ топиш, конкурслар ўтказиш, топишмоқлар албомини тузиш, тайёргарликсиз коллектив ёки индивидуал равишда эртак тўкиб айтиш, ўқувчилар ҳаёти ҳақида, ёзувчиларнинг чуқур маъноли гап (ҳикматли сўз)лари ва мақоллар, латифалар айтиш мумкин. Баъзан ўқитувчилар бундай дарсларда инновацион

технологияларидан «Ҳазил минути», «5 секунд ўйлаш учун», «Топишмоқларни топ», «Билимдонлар клуби» каби қизиқарли машғулотларни доимо ўтказиб турилади.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларини ўтказиш режасини ўқув йилининг ярми ёки бутун ўқув йили учун тузиб, дарслар системасини белгилаб олиш тавсия этилади. Бундай планлаштириш дарсларни хиллаштиришга, уларнинг изшил ва ўзаро боғлиқ бўлишига, шунингдек дарсларда ишсизлик даражаси турларини тақсимлашга, болаларга таълим-тарбия бериш, байрамлар улуғ кунлар, фаслларга мос равишда мавзуларни тақсимлашга имкон беради.

Синф ташқари ўқиш дарсларининг системаси дастурда белгилаб берилган билим, кўникма ва малака билан ўқувчиларни қуроллантиришга қараб белгиланади. Бундай дарслар системасини ишлаб чиқишда кичик ёшдаги ўқувчиларда мустақил ўқиш малакаларини шакллантириш босқичларини ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу босқичлар ва ўқувчиларнинг ҳар бир босқичидаги вазифаларини, синфдан ташқари ўқиш методикасини методист олима Н.Н.Светловская ишлаб берган.

Биринчи босқич - тайёрлов босқичи бўлиб, 1-синфда ўқув йилининг биринчи ярмини ўз ичига олади. Бунда ҳали том маъноси билан синфдан ташқари ўқиш бўлмайди; синфдан ташқари ўқиш учун 20 минутлик дарс қисми ажратилади, бунда ўқитувчи ўқувчилар савиясига мос бирор асарни ўқиб беради. Ўқувчилар ҳикоя, эртакни эшитиб идрок этишга, ўқилганларга соддагина баҳо беришга, мазмун билан сарлавҳанинг муносабатини, мослигини аниқлашга ўргатилади, улар ўқилганларни сўз билан тасвирлайдилар, ўқиш гигиенасининг асосий қоидалари ва китобга қандай муносабатда бўлиш билан танишадилар.

Иккинчи – бошланғич босқич 1-синф йилининг иккинчи ярмини ўз ичига олади. Бунда ҳафтада бир марта синфдан ташқари ўқиш дарси ажратилади. Ўқиш доираси кенгайди. Болалар китоб билан танишадилар, авторнинг фамилиясини, китоб номини топишга, расмларини кўришга, ўқишдан олдин китобнинг тахминий мазмунини аниқлашга, ўқилганларни

ҳикоя қилиб беришга ва соддагина қилиб ёзиб қўйишга, муҳокама қилиш ва унга ўз муносабатини билдиришга ўрганадилар.

Бу босқичда болалар ҳар хил тезликда, кўпроқ бўгинлаб ўқийдилар, ҳали эркин ўқий олмайдилар. Секин, ифодалиликка риоя қилмай ўқишларидан ўзлари қониқмайдилар. Бу босқичда ўқитувчи ҳар бир ўқувчига эътибор билан индивидуал ёндашиши, кичик китобхонни китобни мустақил ўқишга ўргатиши керак. Бошланғич босқичда синф учун умумий бўлган китоб синфдан ташқари ўқиш дарсида ўқиб берилади; уйга вазифа ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашган ҳолда топширилади. Дарсда ўқиш учун бериладиган вазифалар ҳам индивидуаллаштирилади: «бўш» ўқувчилар гап қурилиши содда, нотаниш сўзлари бўлмаган кичик бир қисмни ўқийдилар. Бошланғич босқичнинг охирида ўқувчиларнинг ўқиш малакалари анша стабиллашади. Болалар сўзларни синтетик ўқишга, айрим ўқувчилар текис ва ифодали ўқишга ўтадилар. Ўқувчилар ўртасидаги индивидуал фарқ анча камаяди. Болаларнинг ўқув ишидаги тажрибаси ортади. Буларнинг ҳаммаси болаларни кейинги босқичга ўтишга имконият яратади.

Учинчи – асосий босқич икки йил (1 ва 2-синфлар)ни ўз ичига олади. Бу давр ишида болаларнинг ўқиш малакалари мустаҳкамланади; синфдан ташқари ўқиш ҳақиқий мустақил ўқиш, синфдан ташқари ўқиш дарслари эса ўқувчиларнинг мустақил ўқиганларига раҳбарлик қилишнинг ҳақиқий формасига айланади.

Асосий босқичда синфдан ташқари ўқишга баҳо қўйилади (салбий баҳо қўйиш тавсия этилмайди). Баҳо қўйишда, биринчидан ўқувчининг синфдан ташқари ўқиш дастурси талабларини қанчалик эгаллагани, иккинчидан, умумий синф ишларига актив қатнашиши, ушинчидан мустақил ўқиган китобларининг сони ва сифати, ўқиганларини тушуниб етиш кўникмаси, китобхонлик билим доираси ва ўқиган китоблари юзасидан муҳокама юрита олиши назарда тутилади.

Асосий босқич охирида кичик ёшдаги ўқувчилар актив китобхон учун зарур бўлган яхши ўқиш кўникма ва малакаларини эгаллашлари, энг муҳими,

китобни ва мустақил ўқишни севишлари зарур.

Синфдан ташқари ўқишга раҳбарликнинг ёрдамчи формалари ҳам бўлиб, булар барча ишларни изчил уюштиришни таъминлайди, синфдан ташқари ўқиш дарслари учун шароит яратади. Булар:

1. Китобни ташвиқот қилиш. Синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати мактабга ва синфга осиб қўйилиб вақт-вақти билан янгиланиб, тўлдирилиб турилади. Кутубхона ёки ўқитучи томонидан янги нашр этилган китоблар ёки байрам кунлари, шунингдек айрим ёзувчилар юбилейига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинади ва ҳоказо. Мактаб ёки синф деворий газетасида ўқувчиларнинг ўзи ўқиган китоби ҳақидаги тақризи босилади, ёзувчи ижоди ҳақида ва бирор мавзудаги китоблар ҳақида монтаж тайёрланади. Китоб ўқишга кутубхонашининг синфдаги суҳбати, ўқитувчининг ўқувчилар билан шахсий суҳбати орқали ҳам ташвиқ қилинади.

2. Индивидуал ёрдам ва кундалик назорат. Ўқувчи билан у ўқиётган ёки ўқиган китоби ҳақида суҳбат, фикр алмашиш, расмларини муҳокама қилиш, ўқиган китоблари ҳақида ёзганларини кўриб чиқиш даражаси, ўқиган китоби ҳақидаги иншо-тақризини таҳлил қилиш, уй кутубхонаси билан танишиш, ўқиши ҳақида ота-онаси билан суҳбат кабилар.

3. Синфдан ташқари оммавий ишлар. Адабий эрталиклар, викториналар, ёзувчилар, журналистлар, адабиёт ўқитувчилари билан ушрашув, адабий экскурсиялар. Бу оммавий ишларни тайёрлашда ўқувчиларнинг ўзлари қатнашадилар (сўзга тайёрланадилар, монтаж чиқарадилар, кўргазма ташкил қиладилар, меҳмонларни кутиб оладилар, турли ўйинлар уюштирадилар). Оммавий ишларни тайёрлашга юқори синф ўқувчилари ҳам жалб этилади, ота-оналар таклиф қилинади.

4. Кутубхонага ёзилиш: 1 синф ўқувчилари ўқиш малакаларини эгаллашларига қараб ўқитувчининг рухсати билан кутубхонага ёзиладилар. Ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб барча ўқувчилар кутубхонага аъзо бўлишлари мумкин. Ўқитувчи ҳар ойда бир-икки марта ўқувчилар картотекасини текшириб, кутубхонаши билан суҳбатлашади.

5. Ўқувчиларнинг ўқиганларини ҳисобга олиш. Мактабларда 1 синфдан бошлаб китобхонлик кундалигидан фойдаланилади. Ўқув йили охирида 1-синф ўқувчилари кундаликка китоб номи ва автор фамилиясини ёзадилар; 2-синфда унга нашр этилган жойи ва вақти, китобни ўқиган вақти; 3-синфда ўқиган китобга тақриз ёзиш ёки унинг мазмуни ҳақида қисқа мулоҳаза ёзиш кўшилади. Ўқувчиларнинг ўқиган китоблари оғзаки тарзда ҳам ҳисобга олинади: улар ўқиган китоблари ҳақида синфдан ташқари ўқиш ва ўқиш дарсларида, индивидуал суҳбатда гапириб берадилар.

2-синфдан бошлаб китобхонлик ишларини ташкил этишга ўқувчиларнинг ўзлари ҳам жалб этилади. Улар ўзларининг октябрятлар юлдузшаларида вазифа оладилар. Бундай топшириқларга синф кутубхонасини ташкил этиш ва бойитиш, оммавий ишларни тайёрлашда қатнашиш, синф жамоасига ўзаро ёрдам ва бажарилган ишларни ўзаро текшириш, кўргазма ва монтаж тайёрлаш, кутубхонада китобларни ямашда қатнашиш кабилар киради. Болаларни китобга тўғри муносабатда бўлиш, уни эҳтиётлаб сақлашга ўргатиш мактабнинг муҳим вазифасидир.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларининг хусусиятлари, бириншидан, синфдан ташқари ўқиш системасининг босқичлари билан, иккиншидан, ўқув вазифалари, яъни дастур билан, ушиншидан, ўқитувчининг олдида қўйилган тарбиявий вазифалар билан, тўртинчидан, ўқувчиларнинг қизиқишлари билан белгиланади.

1 - синфда ўқув йилининг биринчи ярмида – тайёрлов босқичида янги матнни ўқитувчи ўқиб беради; иккинчи – бошланғич босқичдаги синфдан ташқари ўқиш дарсларида янги кичик ҳажмли китобни ўқувчилар ўқийдилар, аммо бу вақтда ўқувчиларда мустақил ўқиш малакаси ҳали ўсмаган бўлади.

Тайёрлов босқичида ўтказиладиган 20 минутлик синфдан ташқари ўқиш машғулотида II синф ўқувчилари савиясига мос ва қизиқарли бўлган, 5-6 минутда ўқишга мўлжалланган ҳикоя, эртақ, шеърлар танланади; ўқилганлар юзасидан суҳбат, мазмунини қайта ҳикоя қилиш, китоб муқовасини,

расмларни кўришга ҳам вақт ажратилади.

Бошланғич босқичда синфдаги барша ўқувчиларни бир хил китоб билан таъминлаш талаб этилади. Бу албатта, қийин масала, буни ҳар вақт ҳам бажариб бўлмайди. Синфдан ташқари ўқиш дарсларида муваффақиятга эришиш учун ўқувчиларнинг ҳаммаси битта матн устида ишлаши зарур.

1 - синфда ўқув йилининг иккинчи ярмида ўтказиладиган мустақил ўқишга раҳбарликнинг асосий тури синфдан ташқари ўқиш дарсларидир. Бундай дарсларда ўқитувчи кичик ҳикояша ёки шеърни ўқиб беради, сўнг ўқилганлар ва ўқувчилар олдин ўқиганлари юзасидан суҳбат ўтказилади, қисқа умумлаштирилади, китоб автори билан таништирилшади. Кейин ўқувчилар янги китоб танишадилар ва уни ўзлари мустақил ишида ўқийдилар; суҳбат ўтказилади. Бошланғич босқич давомида синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарсларида бир неша марта тематик ёки бир муаллиф ёзган китоблар кўргазмаси ташкил қилинади. Альбом ёки монтаж тайёрланади, конкурс ўтказилади, синф кутубхонаси ташкил қилинади, эрталик тайёрланади. Ёрдамши восита сифатида 2-3 дарсда диафильм ёки кинофильмдан парша кўрсатилади; 3 – 4 дарс музыка эшиттириш билан, 4 – 5 дарс ўқилганларга расмлар чиздириш билан ўтади. Бир дарс китобни қандай сақлаш, уни ямашни ўргатиш мақсадида кутубхонада ўтказилади. Ҳар бир синфдан ташқари ўқиш дарсида китобнинг муқоваси, номи расмларига қараб, унда тахминан нима ҳақида ёзилганини айтиш машқ қилинади.

Бошланғич босқичда болалар ҳали яхши ўқий олмайдилар, натижада ўқиганларини яхлит идрок этиш қийин бўлади, шунинг учун дарснинг қизиқарли, ҳаяжонли ўтишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун ўқитувчи ҳикоя, эртак ёки шеърни ифодали, жонли ўқиб беришга пухта тайёрланиши, ўқувчиларни синфда ўқиб беришга тайёрлаши, музикадан, расмлар чиздиришдан, дикламатция қилиш, ролларга бўлиб ўқиш даражаси сингари ишни жонлантирадиган воситалардан фойдаланиши зарур. Ўқилганлар юзасидан ўтказиладиган суҳбатда мазмунни қайта тиклашга оид савол ва топшириқлардангина эмас, таҳлилни ривожлантириш, ўқувчиларни ўйлашга,

таққослашга, хулосалашга ўргатадиган саволлардан ҳам фойдаланиш зарур. Бу босқичда болалар ўқилганларга муносабат билдиришга ўргатиб борилади.

Болалар бошқаларнинг ютуғига хурсанд бўладилар, хафалигига ачинадилар, ҳалол, одил кишилар уларни қувонтиради, ёлғончи, пасткаш кишилардан нафратланадилар. Болаларда фараз қилиш, тасаввур этиш қобилияти кушли бўлади, қайта ҳикоя қилишда асар қахрамонлари ролига кирадилар. Дарсни ташкил этишда буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш зарур.

Бошланғич босқичда «Эртақлар байрами» мавзусида ўтказиладиган синфдан ташқари ўқиш дарси вариантини берамиз. Бу дарсни ўтказишга тайёргарлик икки ҳафта олдин бошланади. Ўқитувчи топшириғига кўра бир группа ўқувчилар китоб – эртақ кўргазмаси тайёрлайдилар. Бу кўргазмага ўқувчиларнинг ўзлари тўқиган эртақлари ҳам қўйилади. Болалар эртақларга расмлар шизадилар. «Эртақлар байрами» га

1-синф ўқувчиларнинг ҳар бири ўзининг эртақ китобини олиб келади.

«Эртақлар байрами» дарси юқори эмотсионаллиги, барча ишларнинг ижобий йўналтирилганлиги, уни тайёрлаш ва ўтказишга ҳамма ўқувчилар жалб қилинганлиги билан ажралиб туради. Ўқитувши бошланғич босқичда ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини ўстириш ҳақида ғамхўрлик қилади, дарсда ишлашнинг услуби приёмларини танлашда, кичик ёшдаги болалар ўқув меҳнатини ташкил этишда шу мақсадни кўзда тутаяди.

Учинчи – асосий босқичда ўтказиладиган синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарслари 2-синфда ҳафта давомида, 3-синфда эса икки ҳафта давомида ўқилганларни яқунлашга, хулосалар шиқаришга хизмат қилади. Бу босқичда болалар ўқиб келган китоблар ҳажми анчагина катта бўлади. Болалар ўқиб келган китоблардан айрим парчалар танлаб ўқилади, аналитик ишлар ўтказилади, ўқилганларнинг ҳаммаси умумлаштирилади, муҳокама қилинади ва ҳоказо. Бошқача қилиб айтганда бу босқичдаги синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарслари умумлаштирувчи характерда бўлади.

Табиийки, 2-синф билан учинчи синфлар ўртасида фарқ бор.

2-синфда ҳали бошланғич босқичдаги каби синфдан ташқари

Ўқишсизлик даражаси дарслари учрайди. Бу босқичда ҳам кўпинша китобни ўқитучи ўқиб беради, аммо, асосан, ўқувчилар мустақил ўқишга ўргатилади. Бу дарсларда таниқли болалар ёзувчилари – муаллифларга алоҳида аҳамият берилади. «Ғунча» журнали билан таништиришга бағишланган алоҳида дарслар ўтказилади. Барча ўқувчилар ўқиган ва дарсда муҳокама қилинган китобга жамоа равишда тақриз тайёрлаш учун 1 – 2 дарс ажратиш мумкин.¹¹

¹¹Бошланғич таълим журнали.2002 йил, 6-сон.

II - Бобга хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак инновацион технологиялар дарс жараёнида қўллаш таълимнинг анъанавий тизимидан фарқли равишда инновацион технологиялар асосида ўқиш дарсларининг ҳар бир жараёнида ўқувчининг фаоллигига асосланган, мустақил фаолияти, ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнига тўлиқ жалб этилиши ётади.

Инновацион педагогик технологияларга асосланган дарснинг анъанавий дарсдан фарқи шуки, бу дарсда ўқувчига эркинлик муҳитини яратиб беришида кўринади. Бу имконият ўқувчига ҳеч қандай тайзиқ ўтказмасдан унинг шахсиятига тегмасдан саволлар бериш орқали дўстона муносабатдаги ўқув муҳитини яратишидадир.

Инновацион технология таълим мазмунинг рационал йўллари ишлаб чиқарувчи жараён бўлиб, унда ўқитувчи асосий маъсул шахс ҳисобланади. Чунки унинг асосий вазифаси ахборотни ўқувчиларга тез аниқ тушунарли тарзда етказиб беришидан иборат.

Бу бобда бошланғич синф ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш учун турли хил инновацион технологиялар ва усуллари тавсия этдик. Бундан ташқари синфдан ташқари ўқиш дарсларида ҳам инновацион педагогик технологияларни қўллаш мумкин деган қарорга келдик. Чунки синфдан ташқари ўқиш дарслари ҳам ўқувчиларда ҳам эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат уйғотиш, боғланишли нутқни ўстириш, адабий-эстетик тафаккурни юксалтиришга имкониятлар очиб беради.

Ўқитишнинг турли технологиялари педагогик ўйинлар, қизиқарли бошқотирмалар, расмли кўринишдаги ребуслар ўқувчиларда ўқиш дарсларига қизиқишларини орттириш, мавзунини ўзлаштириш даражасини оширади ва фикрини мустақил баён қилиш кўникмасини шакллантиради.

Ш.БОб. Бошланғич синф ўқиш дарсларида таълим самарадорлигини оширувчи педагогик технологияларни қўллаш борасида олиб борилган тажриба-синов ишлари таҳлили.

1. Таклиф этилаётган педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш ва ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари.

Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларга йўналтирилган тажриба-синов ишларини бир неча босқичларда олиб борилди.

Дастлабки босқичда ўқувчиларда етарли анъанавий дарс орқали билимларни беришнинг ўзи билан уларда ўқиш дарслари самарадорлигини оширишни шакллантириш мумкин эмас.

Бунинг учун ўқувчиларнинг мавжуд ўқиш дарслари мазмунини давлат томонидан олиб борилаётган тадбирлар ҳамда уларни ташкил этишга йўналтирилган фаолиятга муносабатларини англаш даражалари ўрганилди.

Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишнинг ўқув ва услубий қўлланмаларда қандай аҳволда ҳал этилиши аниқланди. Сўнгра ўқувчиларнинг ўқиш дарсига қизиқишларини орттиришга тайёрланган дидактик, тарқатма материалларни ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, уларни ўқитиш услубларини, инновацион педагогик технологиялар, компьютер ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиб, тажрибада синаб кўриш маъқулланди. Шу боис диссертацияда ёритилган материалларни педагогик тажрибада-синаб кўриш тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Танланган мактабларда педагогик тажриба-синов ўтказишда асосан қуйидагиларни синаб кўриш назарда тутилди:

1. Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти.

2. Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ўрганиш жараёнида сингдириб боришнинг илмий-услубий жиҳатларини ўринлилиги.

3. Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияга оид дидактик материалларни қандай даражада ўзлаштиришлари

4. Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни таълим-тарбия жараёнига киритилиши билан фанларни ўрганишларига ўқувчиларнинг қизиқишларини ортиб бориши.

5. Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларга оид услубий қўлланма тарбиявий аҳамиятини кўрсатиш.

6. Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни, ўқиш услубларининг ўқувчиларда илмий маданиятини шакллантиришдаги ҳамда мантиқий тафаккурини ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиш.

7. Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни дарсдан ташқарида машғулотларда ташкил этиладиган ишларнинг самарадорлиги.

Педагогик тажриба-синов ўтказиш даврида ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўқувчиларга ўргатиш услублари дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда синаб кўрилди.

Тадқиқот ишимизда ижобий натижалар берган услубларнинг самарали жиҳатлари 2011...-2013.... йилларда ўрганилди.

Тажриба-синов ишларини ўтказишда ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ҳолатини ўрганишга уриндик ва қуйидаги кўринишда намоён бўлди.

1-жадвал

Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг

аввалги ҳолати

	Даражалар Мезонлар	Ўқувчилар сони 250 нафар			
		Тажриба синфи 142		Назорат синфи 108	
		ижобий	салбий	ижобий	салбий
1.	Кўргазмали қуроллар орқали.	42	100	27	81

2.	Халқ оғзаки ижоди орқали.	62	80	19	89
3.	Синфдан ташқари машғулотлар.	27	115	50	58
4.	Ўйин технологиялари орқали.	32	110	12	96
5.	Жамоа ва индивидуал ишлаш.	43	99	36	72
6.	Техник воситалар.	26	116	7	101
7.	Интерфаол усуллар.	36	106	34	74
8.	Ўқувчиларга аждодлар мероси орқали ижобий фазилатларни таркиб топтириш.	23	119	5	103

Биринчи галдаги натижалардан маълум бўлдики, Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг моҳиятини тўлақонли тушунтириш қобилиятига эга эмасликлари сабабли берилган саволларга тўлиқ жавоб бера оладилар. Жавоб беришга ҳаракат қилган ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технология ва фаолият моҳиятини тўғри талқин этиш имкониятига эга эмаслар, шу боис улар ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларга қаратилган фаолиятини ташкил эта олмайдилар. Мазкур ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашга бўлган интилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўқувчиларнинг деярли барчаси юқорида қайд этилган ўқиш дарсларидаги билимлар ва улар мазмунини ўзида намоён этувчи манбалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Тажриба-синов сўнггида ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларга бўлган муносабати, дунёкараши яна бир бор аниқланди ва олдинги ҳолатидан тубдан фарқланувчи кўриниш содир бўлди. Мазкур ҳолатни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал

**Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда
инновацион технологияларга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг
кейинги ҳолати**

	Даражалар Мезонлар	Ўқувчилар сони 250 нафар			
		Тажриба синфи 142		Назорат синфи 108	
		ижобий	салбий	ижобий	салбий
1.	Кўргазмали куроллар орқали.	114	28	78	5
2.	Халқ оғзаки ижоди орқали.	112	30	69	39
3.	Синфдан ташқари машғулотлар.	115	27	77	31
4.	Ўйин технологиялари орқали.	94	48	66	42
5.	Жамоа ва индивидуал ишлаш.	111	31	73	35
6.	Техник воситалар.	117	25	70	38
7.	Интерфаол усуллар.	97	45	71	37
8.	Ўқувчиларга аждодлар мероси орқали ижобий фазилатларни таркиб топтириш.	115	27	77	31

Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни пухта ишланган дастур асосида, аниқ мақсад ва фаолият мазмунини белгиланган ҳолда олиб бориши ўқувчилар томонидан ўқиш дарсидан чуқур ўзлаштирилиши уларда ўқиш фаолият кўникма ва малакаларнинг таркиб топиши ҳамда ўқувчиларнинг бу борадаги ўқиш дарсидаги фаолликларини таъминлашга олиб келди. Ана шу ҳол ўқувчиларда ўқиш дарсидаги фаолиятини шакллантириши муҳим ўрин тутади.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида ўқувчилар ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ўзлаштириш даражаси илмий-педагогик нуқтаи назардан аниқланди.

Тажриба-синовга қатнашган ўқувчилар учун ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг мавжудлик

ҳолатини аниқловчи махсус саволлар тузилди. Саволларни тузишда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди: Мактаб компонент фанлари таркибида мавжуд бўлган ўқиш дарслари самарадорлигини оширишдага оид билимлар тизимига; фанлараро боғланишга; ўқувчиларнинг олдинги тажриба ва билим даражасига; танланган саволларнинг муҳим ва илмийлигига; ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига; саволларнинг узвийлиги ва узлуксизлиги; ўқувчиларга ўқиш дарслари самарадорлигини оширишга оид қуйидаги саволлар тавсия этилди:

1. Сизнинг ўқиш дарсига қизиқишингиз қандай?
2. Сиз ўқиш китоби қандай тузилишда бўлишини хоҳлардингиз?
3. Ўқиш дарсларида устозингиз қандай воситалардан фойдаланиб дарс ўтади?
4. Сиз яна қандай дарс ўтилишини хоҳлар эдингиз?
5. Ўқиш дарси ўқувчини нимага ўргатади деб ўйлайсиз?
6. Синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ўқитувчингиз нима ишлар қилади?
7. Ўқиш дарсида сиз яна қандай билимларга эга бўлишни истардингиз?
8. Дарс жараёнида ўқитувчингиз сизнинг фикрингизни тинглаб, қўллаб-қувватлайдими?
9. Ўқитувчингиз ўйинлар орқали ҳам дарс ўтадими?
10. Дарсда кичик гуруҳга бўлинасизларми?

Бу саволларга тажриба-синов ўқувчилари жавоб бердилар. Уларнинг билим даражаси умумлашган ҳолда қуйидаги жадвалларда ўз аксини топган.

3-жадвал

**Тажрибадан олдинги бошланғич синф ўқиш дарслари
самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш
даражаси**

Синфлар	Сони	Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш даражаси		
		қуйи	ўрта	юқори
назорат	$n_1 = 108$	40	37	31
тажриба	$n_2 = 142$	72	48	22

4-жадвал

**Тажрибадан кейинги бошланғич синф ўқиш дарслари
самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш
даражаси**

Синфлар	Сони	бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш даражаси		
		қуйи	ўрта	юқори
назорат	$n_1 = 108$	37	11	37
тажриба	$n_2 = 142$	48	40	54

Изоҳ: 4-жадвалда ўқувчилар томонидан ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда тажрибадан олдин ўзлаштириш даражаси кўрсатилган;

4-жадвалда эса ўқувчилар томонидан ўқиш дарслари самарадорлигини оширишга оид билимларнинг ўзлаштириш даражаси 100 балли тизим асосида ҳисобланди.

Даражаларни аниқлашда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинди:

- а) юқори даража 86 - 100 балл;
- б) ўрта даража 71 - 85 балл;
- в) қуйи даража 56 - 70балл.

Тажриба-синов мактаблари ўқувчиларнинг ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш даражасини ҳам аниқлашга уринилди. Бу ҳол эса далиллар асосида қуйидаги кўринишни намоён этди:

5-жадвал

Тажрибадан олдинги бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ташкил этиш даражаси

Синфлар	Сони	Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш даражаси		
		қуйи	ўрта	юқори
назорат	$n_2 = 108$	37	38	33
тажриба	$n_2 = 142$	50	48	44

6-жадвал

Тажрибадан кейинги бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ташкил этиш даражаси

Синфлар	Сони	Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш даражаси		
		қуйи	ўрта	Юқори
Назорат	$n_1 = 108$	36	34	38
Тажриба	$n_2 = 142$	44	46	52

Изоҳ: 6- жадвалда ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг тажрибадан олдинги даражаси.

6- жадвалда эса ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг тажрибадан сўнгги даражаси келтирилган.

Бошланғич синф ўқитувчиларидан ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни қўллаш даражаси уларнинг қуйидаги ҳолатларидаги иштирокларига кўра аниқланди:

1. Сизнинг фикрингизча бошланғич синф ўқиш дарсларида педагогик технологияларни қўллаш мумкинми?

2. Педагогик технологиянинг инновацион педагогик технологиядан фарқи борми?

3. Сизнинг фикрингизча дарсингизда қўллаётган ҳамма технологиянгиз ҳам самара берайдими?

4. “Кластер”, “Б,Б,Б” технологиялари ўқиш дарсида яхши самара берадими?

5. Ўқиш дарсида ўқувчиларнинг мувоффақияти ақл-идрок, қизиқиш, ўқитишнинг сифатига боғлиқ деб ўйлайсизми?

6. Сизнингча синфдан ташқари машғулотларда ҳам инновацион технологияларни қўллаш мумкинми?

7. Дарсида ўқувчиларнинг ўқув меҳнати фаолиятини тиклаш, чарчоғини ёйиш, кайфиятини кўтариш учун педагогик ўйинлардан фойдаланиб турасизми?

8. Ҳар қандай инновацион педагогик технологияларни ҳам бошланғич синфларда қўллаш мумкинми?

9. Анъанавий дарсни ўтиш қулайми ёки педагогик технологияларга асосланган дарсними?

10. Инновацион технологиялар дарс самарадорлигини оширишига ишонасизми?

Ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш, уларда амалий ўқиш фаолиятига жалб этиш йўли билан ижобий ҳал этилиши мумкин. Шу боис тажриба-синов мактабларида ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш ва олиб борилишига алоҳида аҳамият қаратдик. Самарали натижа бера олган бу уриниш борасидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

Демак, ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш даражаси:

а) ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш орқали билимларни ўзлаштириш;

б) ўқиш дарслари самарадорлигини ташкил этиш кўрсаткичлари орқали аниқланди.

Ҳар икки мезоний кўрсаткичлар ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш даражасининг асосий кўрсаткичлари сифатида қараб чиқилди. Юқорида сўз юритилган ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ташкил этиш кўрсаткичлари асосида тажриба мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг шартли равишдаги юқори ўрта ва қуйи даражадаги ўқиш дарслари самарадорлигини оширишга оид билимлари аниқланди. Бу тадқиқотнинг натижаси қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

**Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда
инновацион технологияларни ўзлаштириш даражаси миқдорий ва
сифатий ўзгаришлар ҳақида маълумотлар**

7-жадвал

№	Синфлар	Тажриба синфлари $n^3 = 142$		Назорат синфлари $n^4 = 108$	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1.	Юқори	39	58	36	30
2.	Ўрта	45	43	34	36
3.	Қуйи	58	41	38	42

Шундай қилиб, таълимни ташкил этиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш асосий йўли – узок муддатли, пухта режалаштирилган назарий-амалий ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда улар самарадорлигини кескин ошириш борасидаги жараёнини ташкил этишдан иборат деб қаралди.

7-жадвалда ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш ҳамда ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш ҳолатига мувофиқ қуйидаги тарзда мезонланди:

1. 60% дан 70% гача – «қуйи даража» («3»).
2. 80% дан 89% гача – «ўрта даража» («4»).
3. 90%дан 100% гача – «юқори даража» («5»).

7-жадвалда келтирилган ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда кўрсаткичлари ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида математик – статистик таҳлилни Стьюдент-Фишер методи бўйича амалга оширдик.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини 7-жадвал кўрсаткичлари асосида ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш даражасини тажриба-синовгача бўлган даврда ўтказилган тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришларини умумий ҳолда статистик таҳлил қиламиз. Назорат натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз:

**Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда
инновацион технологияларни ўзлаштириш даражасининг миқдорий ва
сифатий ўзгаришларини аниқлаш кўрсаткичлари**

8-жадвал

	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба синфи	142	39	45	58
Назорат синфи	108	36	34	38

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш коэффициенти фоизларда

$$K = \frac{J}{Q} 100\% \text{ формула орқали топилади.} \quad (1)$$

Бу ерда J – ўтказилган сўровномада берилган тўғри жавоблар сони. Q – ўқувчиларнинг умумий сони.

9-жадвал

	Синфлар Баҳо	Тажриба	Назорат
1.	Юқори	$K_1 = \frac{39}{142} \cdot 100\% = 27,4\%$	$K_2 = \frac{36}{108} \cdot 100\% = 33,3\%$
2.	Ўрта	$K_1 = \frac{12}{142} \cdot 100\% = 31,6\%$	$K_2 = \frac{14}{108} \cdot 100\% = 31,4\%$
3.	Паст	$K_1 = \frac{18}{142} \cdot 100\% = 41\%$	$K_2 = \frac{18}{108} \cdot 100\% = 35,3\%$

Тажриба ва назорат синфдаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.


1-танланма X_i : юқори; ўрта; паст;
(тажриба синфи) n_i : 39; 45; 58.

$M = 142$.

2-танланма Y_j юқори; ўрта; паст;
(назорат синфи) n_j 36; 34; 58.

$N = 108$.

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



Бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш даражасининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш диаграммаси.

Диаграммада қайд этилган графикларидан англанадики, тажриба ва назорат синфлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади деб, қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{142} (58 \cdot 6 + 43 \cdot 4 + 41 \cdot 3) = \frac{1}{142} (195 + 180 + 174) = \frac{549}{142} = 3,8$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{108} (36 \cdot 5 + 34 \cdot 4 + 38 \cdot 3) = \frac{1}{108} (180 + 136 + 114) = \frac{130}{108} = 3,1$$

Демак, тажриба синфида ўртача ўзлаштириш назорат синфидаги ўртача ўзлаштиришдан кичик бўлиб чиқди, яъни: $X < Y$. Агар мос ўрта қийматларда тажриба синфининг ўртача ўзлаштириши назорат синфининг ўртача ўзлаштиришидан кичик бўлса, ҳеч қандай самарадорликка эришилмайди.

Энди 13-жадвал кўрсаткичлари асосида ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш даражасини тажриба-синовдан кейинги даврда ўтказилган тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришларини умумий ҳолда статистик таҳлил қиламиз. Назорат натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз:

10-жадвал

Тажриба-синовдан бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш даражасининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш кўрсаткичлари

	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба синфи	142	58	43	41
Назорат синфи	108	30	36	42

Бу кўрсаткичларни ҳам фоизларда (1) формула бўйича ҳисобласак, қуйидаги жадвалга эга бўламиз.

11-жадвал

	Синфлар Баҳо	Тажриба	Назорат
.	Юқори	$K_1 = \frac{58}{142} \cdot 100\% = 40,8\%$	$K_2 = \frac{30}{108} \cdot 100\% = 27\%$
.	Ўрта	$K_1 = \frac{43}{142} \cdot 100\% = 30\%$	$K_2 = \frac{36}{108} \cdot 100\% = 33,3\%$
.	Паст	$K_1 = \frac{41}{142} \cdot 100\% = 29,2\%$	$K_2 = \frac{42}{108} \cdot 100\% = 39\%$

Тажриба ва назорат синфдаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма X_i : юқори; ўрта; паст;

(тажриба синфи) n_i : 58; 43; 41.


$M=142$

2-танланма Y_j юқори; ўрта; паст;

(назорат синфи) n_j 30; 36; 42.

$N=108$.

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



10-расм.

Тажриба-синовдан кейин бошланғич синф ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўзлаштириш даражасининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш диаграммаси

Диаграммада қайд этилган графикларидан англанадики, тажриба ва назорат синфлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{142} (58 \cdot 6 + 43 \cdot 4 + 41 \cdot 3) = \frac{1}{142} (290 + 172 + 112) = \frac{585}{142} = 4,1$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{108} (30 \cdot 5 + 36 \cdot 4 + 42 \cdot 3) = \frac{1}{108} (150 + 144 + 126) = \frac{420}{108} = 3,8$$

Демак, тажриба синфида ўртача ўзлаштириш назорат синфидагидан катта экан: $X > Y$

Энди ҳар икки синф учун тарқоқлик коэффицентларини ҳисоблаймиз. Шу мақсадда дастлаб танланма дисперсияларни ҳисоблаймиз:

$$D_m = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (n-1) = \frac{58(5-4,1)^2 + 43(4-4,1)^2 + 41(3-4,1)^2}{142} =$$

$$= \frac{58 \cdot 181 + 43 \cdot 0,01 + 41 \cdot 1,21}{142} = \frac{46,9 + 0,43 + 49,6}{142} = \frac{96,93}{142} \approx 0,68$$

$$D_n = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n-1) = \frac{17(5-4,1)^2 + 12(4-4,4)^2 + 11(3-4,2)^2}{149} =$$

$$= \frac{17 \cdot 0,81 + 12 \cdot 0,01 + 11 \cdot 1,21}{40} = \frac{13,72 + 0,12 + 13,31}{40} = \frac{272}{40} \approx 0,68$$

Бу натижалардан ўртача квадратик четланишларни топамиз:

$$\tau_m = \sqrt{0,71} \approx 0,84 \quad \tau_n = \sqrt{0,68} \approx 0,82$$

Булар асосида ҳар икки синф учун вариация кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

$$\delta_\delta = \frac{\tau_\delta}{X} = \frac{0,84}{4,2} \approx 0,2 \quad \delta_n = \frac{\tau_n}{Y} = \frac{0,84}{3,8} \approx 0,22$$

Агар статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда Лаплас функцияси жадвалидан статистика учун критик нуқта $t_{кр}$ ни

$$\Phi(t_{кр}) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

тенгликдан аниқлаймиз: $t_{кр} = 1,67$. Бундан баҳолашнинг ишончли четланишларини топсак:

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,71}{\sqrt{45}} = 1,67 \cdot \frac{0,71}{6,708} = \frac{1,1857}{6,708} \approx 0,16$$

га тенг, назорат синфида эса:

$$\Delta_k = t_\gamma \cdot \frac{D_k}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,68}{\sqrt{40}} = 1,67 \cdot \frac{0,68}{6,32} = \frac{1,13}{6,32} \approx 0,1$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}}$$

$$4,1 - 0,1 \leq a_x \leq 4,1 + 0,1$$

$$4 \leq a_x \leq 4,2$$


назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,8 - 1,6 \leq a_y \leq 3,8 + 1,6$$

$$4 \leq a_y \leq 4,2$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $\alpha=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба синфида ўртача баҳо назорат синфидаги ўртача баҳодан юқори ва оралик интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=4,1$; $\bar{Y}=3,8$; $\Delta_o = 0,1$; $\Delta_n = 1,6$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,1 - 0,1}{3,3 + 1,6} = \frac{4}{5,4} = 1,35 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,1 - 0,1) - (3,8 - 0,22) = 3,8 - 3,65 = 0,25 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, тажриба-синовдан кейин ўқиш дарслари самарадорлигини ошириш даражасининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

III - Бобга хулоса.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларидан шундай хулосага келдикки, ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф дарсларида кам сонли ўқитувчилар инновацион технологиялардан фойдаланар экан.

Педагогик тажриба-синов ишлари олиб бориш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида қуйида келтирилган анкета саволлар билан мувоажаат қилганимизда кўпчилик ўқитувчилар ўқиш дарсини анъанавий тарзида ўтаётганликлари аён бўлди.

Тажриба-синов ўтказиш даврида ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларни ўқувчиларга ўргатиш услублари дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда синаб кўрилди.

Ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг моҳияти тўлиқ тушунтириш қобилиятига эга эмасликлари сабабли, берилган саволларга тўлиқ жавоб бера олмадилар. Жавоб беришга ҳаракат қилган ўқитувчилар ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялар ва фаолият моҳиятини тўғри талқин этиш имкониятига эга эмаслар, шу боис ўқитувчиларда таълим жараёнининг сифатини ошириш мақсадида шундай хулосага келинди.

1. Бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга жалб этиш.
2. Ўқиш дарсларида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш.
3. Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос келувчи инновацион технологияларни ишлаб чиқиш.
4. Бошланғич синф ўқувчиларининг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, самарали усуллардан фойдаланиш таълим жараёнининг сифатли амалга оширилишига олиб келади.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Хозирги кунда таълим жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш давр талабига айланиб бормоқда. Ўқув тарбия жараёнига инновацион педагогик технологияларни тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Баркамол авлодни тарбиялаш, уларда ўз мавқеини англаш ва ўз-ўзини кўрсата олишида имконият яратиб бериш ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув – тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ўқувчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Эндиликда таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларни зериктириб қўймайдиган, фикрлашга, мустақил ишлашга йўналтирган ҳар хил методлардан ва ўқитиш воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, таълимда тахсил олувчиларга маълум билимлар тизимини етказиш, уларни фақат эслаб қолишнинг ўзи бугунги кунда етарли бўлмай қолди.

Ўқувчиларда замонавий таълимни ташкил этишда инновацион педагогик технология усулларидан фойдаланишнинг моҳияти-мазмунини тушунтириш, уларда муайян тасаввурларни ҳосил қилишга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Биз олиб борган тадқиқотимизнинг мақсади ҳам ўқув-тарбия жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг имкониятларини аниқлаш ва шу асосда амалий тавсиялар, воситалар мажмуасини ишлаб чиқишга қаратилди.

Тадқиқот мавзуси асосида олиб борилган тажриба синов ишлари натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Мустақил Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатлар мазмуни тубдан янгиланаётган ҳозирги даврда бошланғич синф ўқувчиларини инновацион технология усуллари орқали ўқиш дарсларини ташкил этиш ва уни тез суратларда амалга ошириш ижтимоий муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

2. Инновацион технологиялар асосида таълим тизимини мустаҳкамлаш борасида муайян тажрибалар тўпланган бўлса-да, бу борада ижтимоий ечимга эга бўлган камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди. Замонавий таълимни ташкил этишда нафақат инновацион технологиялар, ахборот технологиялари, адабиётлар, оммавий ахборот воситалари хизматлари, театр, кино ва ҳ.к.лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Инновацион педагогик технологияда кутилган натижага эришиш учун фақат ўқитувчи эмас, ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари, талаблари ва хислатларига асосланган ҳолда, кўзда тутилган мақсад амалга ошириши ва натижали бўлишини режалашни ўқитувчи ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижаси ва хулосаларимиз асосида қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

1. Бошланғич таълим ўқитувчилари мунтазам равишда педагогик технологиялардан қўллашларига эришиш.
2. Таълим жараёни асосида ўқувчининг эркин тафаккурини шакллантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашга эришиш.
3. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчининг диққати, эътиборини жалб қиш учун ўқиш дарсларида технологик ёндошишга ўргатиш.
4. Ўқитувчи маҳоратини ошириш учун тажрибали ўқитувчининг ишларини доимий кузатиб боришларига эришиш.
5. Ўқитувчи дарс жараёнида инновацион педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллай олсалар мақсадга мувофиқ бўлади.
6. Синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқитувчи юқорида кўрсатилган инновацион технологиялардан фойдаланишни тавсия этган бўлар эдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси Т. “Ўзбекистон” 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Т.1997йил.
4. Каримов И.А “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т. ”Ўзбекистон” нашриёти, 2011 йил.
5. Каримов И.А “Юксак маънавият - енгилмас куч” Т. ”Маънавият” нашриёти 2008 йил.
6. Каримов И.А “Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т. ”Шарқ” нашриёти. 1997 йил.
7. Каримов И.А “Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” Т. ”Шарқ” нашриёти, 1993 йил.
8. Каримов И.А “Баркамол авлод орзуси” Т.”Шарқ” нашриёти, 1999 йил.
9. Каримов И.А “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т. “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.
- 10.Каримов И.А “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Т. ”Ўзбекистон” нашриёти, 1992йил.
- 11.Каримов И.А “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” Т “Ўзбекистон” нашриёти, 1992 йил.
- 12.Каримов И.А “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т “Ўзбекистон”, 1998йил.
- 13.Каримов И.А “Халқимиз жипслиги - тинчлик ва тараққиёт гарови” Т. “Ўзбекистон” нашриёти.1998 йил.

14. Каримов И.А “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” //Халқ сўзи// 1998 йил 2-декабр.
15. Каримов И.А “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз” //Халқ сўзи// 2000 йил 23 январь.
16. Каримов И.А “Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик” Т. “Ўзбекистон” 1993 йил.
17. Каримов И.А “Асосий вазифамиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” Т. “Ўзбекистон” нашриёти. 2010 йил.
18. Каримов И.А “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз” Т. “Ўзбекистон”, 1998 йил.
19. Азизхаджаева А.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. –Т: 2006.
20. Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. М.: Педагогика, 1989. – 192 б.
21. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.:ИТПИМИО, 1995. –169 б.
22. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Т. ТДПУ. 2004.
23. Ишмухамедов Р. ва б.қ. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: 2010.
24. Ишмухамедов Р.Ж. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубиёти.-Т.: РБИММ.: 2008
25. Ишмухамедов Р.Ж. ва бошқ. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2-китоб).-Т.: ТДПУ. 2009.
26. Йўлдашев Ж.Ф. Педагогик технология асослари.- Т.: 2004
27. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. –М.: Знание. 1989 йил.
28. К.Турғунбоев, М.Ортиқова “Педагогик инновация асослари” –Андижон. “Андижон нашриёт-матбаа”. 2011 йил.

- 29.Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимда инновация. -Т.: 2007.
- 30.М.Умарова, Х.Ҳамроқулова, Р.Тожибоева “3 синф ўқиш” китоби, “Ўзбекистон” нашриёти, - Тошкент. 2012 йил.
- 31.Матжонов С., Шожалилов А., Гуломова Х., Сариев Ш., Долимов З., “4 синф ўқиш” китоби, “Янги йўл полиграф сервисе”, - Тошкент., 2011 йил.
- 32.Сафарова Р., Гуломов М., Иноятов М., Салаева М., “Савод ўргатиш дарслари” “Маънавият”:- Тошкент, 2003 йил.
- 33.Сайидахмедов Н.С. Умаров С. Халқ таълими ходимлари ва ўқитивчилар учун «Янги педагогик технологиялар назарияси ва амалиёти» курси бўйича синов ўқув мавзувий режаси. Т., 2000.
- 34.Саидахмедов Н. Педагогик технология асослари. Т., 2002.
- 35.Таълат Гаффорова “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар” “Тафаккур”, нашриёти, Тошкент – 2011 йил
- 36.Таълат Гаффорова “1 синф ўқиш китоби” , “Шарқ” нашриёти.-Тошкент., 2012 йил.
- 37.Таълат Гаффорова, Ш, Нуриллаев ва бош. “2 синф ўқиш” китоби, “Шарқ” нашриёти,-Т. 2012 йил.
- 38.Турғунбоев К. ва Ризаев А. Замонавий педагогик технологиялар. – “Андижон нашриёт-матбаа”. 2008.
- 39.Толипов Ў. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. -Т.: 2006 таълим. 2004,1, 2.
- 40.Ҳасанбоев Ж ва б.қ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. -Т.:Фан ва технология. 2009.
- 41.Поляков С.Д. В поисках педагогической инноватики. –М.:1993.
- 42.Хомерики О.Г. Инновации в практике обучения. Жур. “Педагогика” 1993. №2.